O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 4-avgust, chorshanba ● № 31 (682) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ФИКРЛАР САРАЛАНАДИГАН ДОНИШХОНА

"Тафаккур" собиқ тузумдаги тор мафкура туфайли хиралашиб қолган кўзларга ойнак, мудроқ қалблар қулфини очадиган сеҳрли калит бўлди. Мустақилликка эришган ўзбек дунёга очиқ кўз билан қарашга, фалсафа, нафосатшунослик, санъат, адабиёт тарихини чуқур ўрганиш ва билиш имконига эга бўлди.

⇨ 4-бет

МУСТАҚИЛЛИК МАНЗАРАЛАРИ

Саидикром бува яқинда янги ишкомбоп нарвон сотиб олиб, унга «С-19» деб тамға босибди. Ўғиллари ҳайрон бўлиб: «Исмингизнинг бош ҳарфини биламиз, 19 рақами нимани билдиради», деб сўрашибди. Бува тушмагур хотиржамлик билан: «Ёшимни ёзиб қўйдим», — дермиш. Келаси йил отахоннинг 80 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган ўғиллар бундан янада ҳайрон бўлишибди. Бува эса: «Болаларим, шундай улуғ замонни кўрганимга, кўзимнинг очилганига 19 йил бўлди, мен йигитдайман», — дебди.

⇨ 7-бет

ЖАҲОНИЙ ЭЪТИРОФ ҚОЗОНГАН АЛЛОМА



Муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг улкан меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, азалий миллий қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ушбу марказ дунё илм-фанида алоҳида ўрин тутади.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **28 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.**

■ 29-30 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Парламент қуйи палатасининг муҳокамасига киритилган ҳужжатларнинг асосий қисми суд-ҳуқуқ соҳасига, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларига тааллуқли бўлди.

■ **Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида давлат бошқарувига ахборот технологияларини жорий этиш соҳасидаги илғор тажрибани ўрганишга ҳамда икки томонлама ҳамкорлик истиқболларига бағишланган Ўзбекистон — Жанубий Корея семинари бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Корея Республикасининг билимлар ва иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологияларини ривожлантириш миллий агентлиги (NIPA) ҳамда Жаҳон банки кўмагида ташкил этилди.**

■ Бельгияда нашр этиладиган "New Europe" ҳафтаномасининг навбатдаги сонида Ўзбекистон иқтисодиётига бағишланган туркум мақолалар чоп этилди.

■ **Марказий газеталаримизда "Август ойи — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой" рукнида туркум мақолалар эълон қилинди. Бу мақолалар мазмунини мухтасар ифодалайдиган бўлсак, ҳар бир фермер август ойи учун муҳим бўлган вазифаларни аниқ белгилаб олиши зарур.**

■ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИСТИҚЛОЛ ЗИЁСИДАН НУРАФШОН ДИЁР



Азал-азалдан қуёш ўлкаси деб ном олган, бир томони Қорақумга туташ, кокиллари кекса Жайхун тараган кўҳна ва ҳамиша навқирон Хоразм элида қайси бир шаҳри ёки қишлоғига борманг ҳамма жойда бунёдкорлик билан машғул инсонларнинг эртанги нурафшон кунларни ўйлаб фидойилик кўрсатаётганликларининг, ёниб яшаётганликларининг шоҳиди бўласиз. Зеро, истиқлол қуёши балқиб чиққанидан буён ўтган 19 йил тарих зарварақларига битилганда жуда оз фурсат мобайнида хоразмликларнинг фидойилиги, Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати туфайли улкан бунёдкорлик юмушлари рўёбга чиқарилди. Бу жаннатмакон ўлканинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Президентимиз Ислом Каримов 2007 йилнинг 4 декабрь куни Хоразм вилояти сайловчилари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида бу ҳақда шундай деган эди: "Бу элнинг қонида, томирида бўлган хусусият ва фазилатлар Хоразм воҳасидаги мавжуд моддий ва маънавий бойликлар, инсоний ва иқтисодий салоҳият бугунги кунларда ҳам Хоразм воҳасининг эртанги кунини барпо этишда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаётни қуришда ўз таъсирини кўрсатмоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз". Дарҳақиқат бу — Хоразм халқи тўғрисида топиб айтилган гап.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб бутун мамлакатимиздаги каби вилоятни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тараққий эттириш, воҳадаги барча моддий бойликларни эл-юрт равнақи йўлида ишлатиш, улардан самарали фойдаланиш соҳасида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифаларни изчил амалга ошириш вилоят аҳлининг диққат марказида турибди. Барча жабҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ воҳанинг барча шаҳар ва қишлоқларида қуриш, яратиш ишлари кўлами кенгаймоқда, ободонлаштириш юмушларининг ҳажми ортмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда. Кейинги йилларда вилоятда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, капитал қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этишда катта ўсиш кўзга ташланди. Айниқса, вилоят иқтисодиётига инвестиция маблағларини жалб қилиш борасидаги ишлар қувонарлидир. Хусусан, ўтган йилнинг ўзидагина вилоят иқтисодиётига 200 миллиард сўмликдан зиёд инвестиция жалб қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят иқтисодиётига киритилган инвестиция эса 100 миллиард сўмдан ошиб кетди. Кўплаб инвестициялар киритилаётгани вилоят шаҳар ва туманларида замонавий хорижий техника воситалари билан жиҳозланган унумдор технологияларга эга қўшма корхоналарни барпо этишда қўл келяпти.

Вилоят марказида иш бошлаган "MEGA SFERA" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ана шундай корхоналар сирасига киради. Қўшма корхонада йилига 13 мингдан зиёд мебель жиҳозлари тайёрлаш имконияти вужудга келди. Унинг цехлари Италиянинг "GRIGGIO", "ORMA", шунингдек, Германиянинг "WEEKE" сингари етакчи компанияларининг замонавий дастгоҳлари билан жиҳозланган. Янги корхонада ўнлаб янги иш ўринлари яратилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган турли-туман мебеллар бугунги кунда нафақат воҳадаги, балки қўшни Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва бошқа вилоятларга ҳам етказиб берилмоқда. Жамоада меҳнат қилаётган ёш ҳунармандларнинг 80 фоизи касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир. Бу ерда ишчиларга унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Чет эл инвестициялари киритилиши эвазига ташкил этилган бундай қўшма корхоналар талайгина. Зеро, вилоят инвестиция дастурида 8 та лойиҳани ҳаётга жорий этиш кўзда тутилган бўлиб, уларнинг қиймати 503 минг АҚШ долларига тенгдир. Урганч шаҳридаги "Хоразм-Ҳумо" хусусий корхонаси чет эл сармоялари киритилгач, ранг-баранг бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришга киришди.

Чехия Республикасидан умумий қиймати 264 минг АҚШ долларига тенг асбоб-ускуналар ва жиҳозлар келтириб ўрнатилгач, "Брукк" МЧЖ бир кеча-кундузда 2 минг литр пиво ишлаб чиқарадиган цехни ишга туширди. "Гиламчи — Карпет" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида эса замонавий гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришилди. Яқин вақт ичида бу ерда ишлаб чиқарилаётган 8 турдаги гилам маҳсулотларини чет элга экспорт қилиш мўлжаллананяпти.

(Давоми 2-бетда.)

■ ТАДБИР

ҚАЛАМ АҲЛИ — ЮКСАК ЭЪТИБОРДА

Юртимизда ижодкорларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор ўзини маънавиятга дахлдор деб билган ҳар бир ватандошимизни руҳлантиради. Айниқса, шахсан Юртбошимизнинг ташаббуси билан 2010 йил 26 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарор диёримизда қалам аҳлига қилинаётган юксак рағбат ифодаси бўлди. Ушбу ҳужжат адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароит яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйида ўтказилган анжуманда ҳам юқоридаги фикрлар таъкидланди. Унда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, ёш ижодкорлар иштирок этишди. Йиғилганлар бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижод аҳли учун яратилган шарт-шароит билан танишдилар.

Қалам аҳли учун мўлжалланган ушбу масканда биринчи босқичда амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари жараёнида ижодкорларнинг мароқли дам олиб, самарали ижод қилишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Мазкур ҳудудда кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилган. Қолаверса, 58 ўринли ижод уйи капитал реконструкция қилиниб, замонавий мебель жиҳозлари, маиший буюмлар, алоқа воситалари билан таъминлангани ҳам эътиборга молик.

4 »

■ ФАОЛИЯТ

Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органлари ичида тарихан шаклланган ноёб тузилма ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек «Маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда». Истиқлол йилларида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш, маҳаллалар мавқеини юксалтириш юзасидан кўплаб ишлар бажариб келинмоқда.

Ватан ичра яна бир ватан

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ва Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви раҳбарияти ҳамкорлигида анъанавий равишда (август ойининг биринчи ҳафтасида) "Маҳалла куни" ўтказилиши муносабати билан "Ватан маҳалладан бошланади" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда жамғармининг мутасадди вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Раҳматилла Шералиев, бош мутахассис Мактуба Арипова, жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Тоҳир Сабитов ва бошқалар сўзга чиқиб, "Маҳалла" жамғармасининг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилар томонидан жойларда тинч-тотувликни таъминлаш, ёрдамга муҳтож фуқароларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий соғлом муҳитни қарор топтириш, турли ёт иллатларга қарши иммунитетни шакллантириш борасида катта ишлар амалга оширилаётгани хусусида маълумот беришди.

2 »

■ 2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

БОЛАСИНИ АСРАГАН ЭЛ...

Чиндан-да, фарзандпарвар халқмиз. Боласининг соғ-саломат униб-ўсишини, юрт корига ярайдиган инсон бўлишини орзу қилмаган бирор ота-она йўқ. Аммо сирасини айтганда, орзу қилишнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун боланинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлиғи доимий эътиборда бўлмоғи даркор. Бу борада суҳбатдошимиз — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг хирургия ва болалар хирургияси кафедраси профессори Жуманазар БЕКНАЗАРОВнинг ўзига хос қарашлари, асосли тавсиялари бор.

— Жуманазар ака, Сиз узоқ йиллардан буён болаларда учрайдиган буйрак касалликларини даволаш билан шуғулланиб келмоқдасиз. Тажрибали шифокор сифатида газетхонларга ушбу хасталикнинг олдини олиш учун қандай тавсиялар берасиз?

— Аввало, буйрак хасталигига учрашни хоҳламайдиган ҳар бир инсон, айниқса, ёш болалар томоқ оғриғидан ўзларини асрашлари ва тишларининг чиришидан эҳтиёт бўлишлари лозим. Чунки сурункали томоқ оғриғи ва тишларнинг чириши натижасида оғиз бўшлиғи ва томоқ йўлларида йиғилиб қолган микроблар буйракка етиб боради ва уларни зарарлайди. Бир пиёла сув буйракда икки юз марта айлангач, тозаланади. Шундай экан, микроблар ҳам унда фильтрланади. Аммо бир, икки, борингки, уч марта буйрак уларни тозалашда зарарланмаслиги мумкин.

3 »

ИСТИҚЛОЛ ЗИЁСИДАН НУРАФШОН ДИЁР

(Бошланиши 1-бетда.)

Маълумки илгарилари энг қимматбаҳо пахта ўзимизда етиштирилса-да, хомашё кўринишида четга жўнатиларди. Эндиликда эса уни юртимизда қайта ишлаб четга тайёр ёки ярим тайёр маҳсулотга айлантириб чиқариш асосий вазифа қилиб қўйилган. Боғот туманида низом жамғармаси 1 миллион 200 минг АҚШ долларига тенг бўлган "KOTTONTEX" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ана шу мақсадга хизмат қилади. Бу ерда йилига 1800 тонна ипкалава ишлаб чиқарилади. Яқинда Россиянинг "Бортекс", Туркиянинг "Адилтекстил" компаниялари билан янги экспорт шартномалари имзоланди. Яқин вақт ичида корхонада ишлаб чиқариш цехлари янада кенгайтирилади, янгидан 300 та иш ўрни яратилади.

Вилоятда иқтисодиётнинг турли соҳаларини барқарор ривожлантириш, айниқса, маҳаллий хомашё ва ресурслардан кенг фойдаланиш, замонавий, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам ибратлидир. Хусусан, 2009-2011 йилларда гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар билан жиҳозланадиган янги корхоналар барпо этиш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, нефть ва газ саноатини модернизациялаш дастури доирасида рўёбга чиқарилаётган янги лойиҳалар ўз самарасини бермоқда. Бундай лойиҳалар тадбиркорларнинг ташаббусларини рўёбга чиқаришда, уларнинг тажрибасини кенг ёйишда қўл келаяпти. Кейинги даврда ўнлаб, юзлаб тадбиркорлар ўзларига яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, хайрли ишларга қўл урмоқдалар. Урганчлик тадбиркор Роҳатой Бекчанова хусусий фирма ташкил этиб, дизайнер ва чевар қизларни ўз корхонасига тўплади. Шовотлик Ойчеҳра Тоҳирова эса паррандачиликни йўлга қўйиб, ўнлаб хотин-қизларни иш билан таъминлади.

Яқинда вилоят марказидаги йиғилишга бораётиб, бир гуруҳ ажнабий сайёҳларнинг Урганч шаҳридаги вилоят маънавият ва маърифат марказининг муҳташам биносига ҳайратланиб боқиб турганига кўзим тушди. Улардан бир неча нафари аллақачон ичкарига кириб, маънавият ва маърифат марказининг қишки боғидаги ранго-ранг гуллар ва дунёнинг турли бурчакларидан келтириб ўтқазилган дарахтларни ҳавас билан томоша қилишаётган экан. Қўлига ихчамгина видеокамера тутган бир сайёҳ менга инглизчалаб нималарнидир гапирди. Ҳамроҳларимдан бири инглизчани яхши тушунар экан, таржима қилди: Бу сайёҳ бу ерда бунчалик муҳташам бино бунёд этилгани, унинг ичкариси эртаклардагидек безатилганидан, Хоразмда яшаб ўтган олимлар, шоирлар ва ёзувчиларнинг суратлари осиб қўйилганидан жуда таъсирланганини изҳор этаётган экан.

Дарҳақиқат, юртимизда нафақат иқтисодиётга, балки маънавиятга, маърифатга, маданиятга, илм-фанга шу тарзда катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, кўҳна Хоразм қадимдан илм-фан ўчоғи, муқаддас маърифат масканларидан бири бўлган. Бундан минг йил муқаддам Хоразм Маъмун академиясининг ташкил этилгани, қадимий "Авесто" китоби буюк маънавий мулкимиз экани, бу табаррук заминда фаолият кўрсатган Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий каби улуғ зотлар жаҳон илм-фани равнақига катта улуш қўшганини бутун дунё билади.

Бугун ҳам Хоразм заминида келажагимиз эгаларини билимдон, илмли, ҳунарли қилиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. Кейинги даврда вилоят бўйича 100 га яқин касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилгани, бир неча янги мактаб, 40 га яқин болалар спорт иншоотлари бунёд этилгани фикримиз далилидир. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосида бу борада амалга оширилаётган ишларининг кўлами ортиб бормоқда. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари каттаю кичик хоразмликлар томонидан севиб мутолаа қилинаётгани маънавиятимизнинг битмас-туганмас чашмаси жўш ураётганидан далолат беради.

Ҳа, бугунги кунда Хоразм воҳасини улкан бунёдкорлик, ижодкорлик, қуришяратиш майдонига қиёслаш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида илгари сурилган вазифалар вилоятда изчил рўёбга чиқарилмоқда. Ана шу муҳим ҳужжат асосида вилоятнинг Боғот, Хива, Хонқа ва бошқа қатор туманларидаги қишлоқларда 20 тадан замонавий турар жой биноларини бунёд этиш режалаштирилганди. Яқинда янги иморатларда ҳовли тўйлари бўлиб ўтди. Боғот туманидаги "Хўжалик" турар жой мавзеси фойдаланилмасдан ётган ғишт корхонаси ўрнида қад ростлади. Эндиликда бу ерда маҳалла гузари, мактабгача таълим муассасаси ва ҳаммом барпо этиш мўлжалланган. Хива туманидаги Журён янги турар жой массивида эса янги мактаб, маҳалла гузари, мактабгача таълим муассасаси қурилиши мўлжалланяпти. Хонқа туманидаги 5 гектар майдонни ўз ичига олган янги турар жой маскани ҳам хушманзара жойда жойлашган. Бу ердаги болалар оромгоҳининг бир неча биноси қайта қурилиб, мактабга айлантирилди.

Янги мактабгача таълим муассасаси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Уй-жой қурилиши жараёнида хонадонларга маҳаллий қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган замонавий мебеллар ва бошқа асбоб-анжомлар ўрнатиб берилди. Янги турар жой бинолари воҳанинг иқлим шароити, асрий анъаналаримиз, миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз ҳисобга олинган ҳолда бунёд этилгани билан хонадон соҳибларига манзур бўлмоқда. Вилоятнинг 11 ҳудудида 500 дан кўпроқ яна шундай янги иморатларни бу борада Президентимиз яқинда билдирган таклиф ва тавсиялар, қабул қилинган янги ҳуқуқий ҳужжатлар талабидан келиб чиққан ҳолда барпо этиш режалаштирилган.

Халқимиз соғлиги — юртимизнинг бебаҳо бойлигидир. Мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида каби воҳада ҳам соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ўзининг катта самарасини берди.

— Биргина вилоятимиз марказида республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг Урганч шаҳар ва туманлар бўлимлари, республика ихтисослаштирилган урология марказининг вилоят филиали, кардиология маркази аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилаяпти. Оналар ва болалар скрининг маркази бу борада самарали фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Биргина Хива шаҳри ва туманида кейинги даврда ўнлаб қишлоқ врачлик пунктлари, янги шифохоналар, дорихоналар, "Саломатлик маркази" ишга туширилди. Туман туғуруқхонаси, кўп тармоқли болалар шифохонаси кейинги даврда замонавий андозалар асосида таъмирланиб, мукаммал тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

Шуниси қувончлики, истиқлол берган имкониятлар натижасида биз дунёга юз бурдик. Жаҳон аҳли Ўзбекистонни таниди. Шу боис юртимизга дунёнинг турли мамлакатларидан сайёҳлар оқимининг кириб келиши кўпайди. Уларнинг аксарияти қадимий ва ҳамиша навқирон, очиқ осмон остидаги музей-шаҳар — Хивани, унинг осори-атиқаларини, меъморий ёдгорликларини, қолаверса, номи тарих зарварақларида битилган Хоразмни кўриш, томоша қилиш иштиёқида келишади.

— Хоразм тарихига, Хиванинг қадимий ёдгорликларига қизиқаман, — дейди биз билан суҳбатда Франциядан келган меҳмон, туризм соҳасида хизмат қилувчи Лорбер Астрид. — "Авесто" китоби тўғрисида кўп эшитганман. Урганчдаги мўғулларга қарши мардонавор курашган миллий қаҳрамонингиз Жалолиддин Мангуберди хиёбонини ҳар гал ҳаяжон билан кезиб чиқаман. Сайёҳлик соҳасида ишлаганим боис менга Хоразмга, хусусан, Хивага келиш истагини билдириб мурожаат қилувчилар сони йилдан-йилга ошмоқда. Шу боисдан юртингизга ҳар гал бир гуруҳ ватандошларимни олиб келаман.

— Юртимизга чет эллик сайёҳларнинг кўплаб келаётгани туризмни янада ривожлантиришни, уни истиқболли соҳага айлантиришни тақозо қилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати аъзоси, Хива тумани ҳокими Давронбек Оллоқулиев. — Президентимиз ташаббуси ва ЮНЕСКО қарорига асосан 1997 йилда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги кенг нишонлангандан кейин бу соҳага эътибор янада кучайди. Шаҳарда кейинги йилларда 10 дан зиёд меҳмонхона қурилиб, сайёҳлар ихтиёрига берилди. Кўплаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари меҳмонлар хизматида. Янги ахборот маркази фаолият кўрсатмоқда. Интернет тизими мавжуд. Унда Хиванинг реклама сайти ташкил қилинди. Экотуризмни ривожлантириш, сайёҳларни Амударё бўйидаги тўқайзорларга, Қорақум ва Қизилқум сахроларига олиб чиқиш, уларга сервис хизмати кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш, бунинг учун чет эл инвестицияларини жалб этиш олдимизда турган муҳим вазифалардир. "Авесто" китобида қайд этилган қадимий ёдгорликлардаги ёзувларни, воҳа табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш, Орол денгизи муаммоларига оид янги маълумотларни тўплаш, халқ ҳунармандчилигининг янги қирраларини очиб бериш, бу борада Хивада фаолият кўрсатаётган Маъмун академияси олимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш туман ҳокимлиги, Хива музей-қўриқхонаси ходимларининг эзгу мақсадидир.

Истиқлол йилларида воҳа ҳудудидан ўтадиган йўллар янада обод ва кўркам бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Хоразм дарвозаси бўлган Ҳазорасп туманининг Питнак шаҳарчасига яқин жойда — Амударё устидан ўтадиган янги кўприк ва поезд ва автомобиль йўли қурилиб ишга туширилгани вилоят иқтисодиётини тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманини Хоразм вилоятининг Урганч тумани билан боғловчи янги автомобиль кўприги барпо этилмоқда. Бу дўстлик кўпригининг биринчи навбатини мамлакатимиз Мустақиллиги байрамининг 19 йиллиги арафасида ишга тушириш мўлжалланаяпти.

Ҳа, бугун истиқлол зиёсидан нур эмган кўҳна диёрнинг ҳар бир гўшасида улуғ айёмга муносиб тўёна тайёрлаш йўлида тер тўкаётган хоразмликларнинг бунёдкорлик ишлари нақадар улуғворлигини таърифлашга сўз ожиз.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири



Ватан ичра яна бир ватан

(Бошланиши 1-бетда.)

— «Маҳалла» жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, овул, қишлоқ ва шаҳарча маҳалла фуқаролар йиғинларида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, жумладан, ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашни кенг тарғиб қилиш юзасидан январь-июнь ойлари давомида жами 12 мингдан ортиқ суҳбатлар, мулоқотлар ўтказилди, — деди Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Р.Шералиев. — Бу тадбирларга бир миллиондан ортиқ аҳоли, жумладан, 724 мингга яқин ёшлар жалб этилгани ҳам амалга оширилган ишлар кўламини кўрсатиб турибди. Айниқса, ҳамкор ташкилотлар билан бирга маҳаллаларда аҳолини терроризм, диний экстремизм, шунингдек, «оммавий маданият» ниқобидаги ёт ғоя ва мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган 7600 дан зиёд учрашувлар, 10 мингдан кўпроқ давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилгани ижобий самара бераяпти.

Жойларда ёш авлодни маънан баркамол, жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Хусусан, Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 15 тадан 221 тагача болалар майдончалари қайта таъмирланди. Жисмоний имконияти чекланган 200 нафардан зиёд талабага уйларида қўшимча равишда таълим олишлари учун «ZiyoNet» тармоғига уланиш учун амалий ёрдам кўрсатилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида 25 нафардан, Наманганда 4, Бухорода 2 нафар ногирон талаба ва ўқувчиларга ҳомийлар маблағи ҳисобига компьютерлар олиб берилди.

«Маҳалла куни» тадбирларида қам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга қорамол совға қилиш, мазкур оилалар фарзандларини юртимизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойларига бепул сайёҳатини уюштириш, жойларда миллий халқ ўйинлари фестивалларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Бу ўйинларга ёшларни кенг жалб этиш, шу йўл билан улар қалбида миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат туйғуларини уйғотиш ўтказиладиган тадбирнинг асосий мақсадларидандир. Бундан ташқари, «Саховат», «Меҳрибонлик» ва «Мурувват» уйларидагилар ҳолидан хабар олиш, ободонлаштириш, атроф-муҳитни тартибга келтириш, ҳашар йўли билан ёлғиз қарияларнинг турар жойларини таъмирлаб беришдек хайрли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Гулнора ЗОКИРОВА

ЯНГИ САВДО МАЖМУАСИ ҚУРИЛМОҚДА

Айни кунларда Нукус шаҳрида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти. "Таўман" деб аталувчи янги савдо мажмуаси ана шулар жумласидан. Юзлаб дўконлар, кафелар, савдо расталари ва бошқа объектлардан иборат мазкур янги мажмуанинг биринчи қисми қуриб битказилди. Ҳозирги пайтда унинг иккинчи қисмини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Бунда 80 нафар малакали бинокор-усталар фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, мажмуанинг темир йўлга яқинлиги сотувчилар ва мижозлар учун кўплаб қулайликлар туғдиради. Янги савдо марказини давлатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири

САМАРҚАНД НОМИ КОИНОТ УЗРА

Самарқанд давлат университетида коинотда ўзбек олимлари кашф қилган «Самарқанд» кичик сайёраси учун АҚШдаги Гарвард Халқаро кичик сайёралар маркази томонидан берилган сертификатни топшириш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти олимлари ва шаҳримиздаги таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти директори Шуҳрат Эгамбердиев Фанлар академияси илмий ходимлари Баҳодир Ҳафизов ва Алексей Сергеев томонидан кашф этилган янги кичик сайёрага Юртбошимиз таклифи билан ер юзининг сайқали, астрономия фанининг бешиги ҳисобланмиш Самарқанд шаҳри номи берилгани ҳақида қисқача гапириб берди.

Тадбир сўнгида шаҳар ҳокими З.Мирзаевга кичик сайёрага «Самарқанд» номи берилгани тўғрисидаги сертификат топширилди. Энди самода «Ўзбекистония», «Улуғбек», «Беруний», «Авиценна» ва «Хоразмий» номлари билан аталган сайёралар қаторига «Самарқанд» номли сайёранинг қўшилгани шаҳримизни яна бир бор тарих зарварақларига абадий муҳрлади.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири

СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ аҳоли пунктларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш тўғрисидаги 2009 йил 11 мартдаги йиғилиш баённомасига асосан Ғузор туманида ибратли ишларга қўл урилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида туман ҳудудидаги Батош сув йиғиш иншоотидан Қуштепа қишлоғигача бўлган 7 километр масофага полиэтилен сув қувурлари тармоғи қурилиб, тоза ичимлик суви олиб келинди. Ушбу ҳудудда 25 сотих майдонни эгаллаган 50х50 квадрат метр ҳажмдаги насос станцияси ҳамда сув ташийдиган транспорт воситаларига сув қуйиш нуқтаси ҳам фойдаланишга топширилди.

Насос станцияси, полиэтилен сув қувури тармоғи ва сув қуйиш шохобчаси «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси маблағи ҳисобига ушбу корхона ҳамда пудратчи ташкилотларнинг фидойи қурувчилари томонидан бунёд этилди. Мазкур сув тақсимлаш иншооти орқали Қуштепа ва Апарди қишлоқларига тоза ичимлик суви етказиб берадиган сув қувурлари тармоғи ҳам қуриб битказилди. Айни пайтда Кераит сув тармоғи ҳамда янги сув тақсимлаш иншооти қурилиши бошланди.

— Мазкур иншоотлар қуриб, фойдаланишга топширилганидан кейин ўнлаб қишлоқлар аҳолиси тоза ичимлик сувидан етарлича баҳраманд бўладилар, — дейди вилоят «Сувоқава» бошқармаси Ғузор туман бўлими бошлиғи Ўтаган Эшмуродов. — Жорий йилги режаларимизда тумандаги аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминотини яхшилаш инвестиция дастури асосида республика бюджет маблағлари ҳисобидан 236,6 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Ғулом АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ РИВОЖИ УЧУН

Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонасида ўқув семинари ўтказилди. Унда айни пайтда вилоятнинг 10 та туманида ташкил этилган ва расман фаолият юритаётган ҳакамлик судлари раислари ва судьялари, шунингдек, энди шу соҳага ишга ўтмоқчи бўлган помзодлар иштирок этишди.

— Янги ташкил этилган ҳакамлик судларининг фаолиятида бундай тадбирлар катта аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси раҳбари Е.Мўминов. — Чунки мазкур тизимда иш юритаётган қонунчилик, суд-ҳуқуқ соҳасининг тажрибали мутахассислари қаторида эндигина шу жараёнга кириб келаётган ҳимоячилар ҳам бор.

Тадбир давомида иштирокчилар бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашишди ва ўзларини қизиқтирган саволларга етарлича жавоб олишди.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ,
"Hurriyat" мухбири

БОЛАСИНИ АСРАГАН ЭЛ...

(Бошланиши 1-бетда.)

Аммо бундай вазият тез-тез такрорланаверса, инсоннинг бу нозик аъзоси чарчайди ва ўша микроблар таъсирида касалланади. Эътибор берсангиз, сурункали томоқ оғриғи ёки тишларнинг чиришидан 15-20 кун ўтиб буйрак ҳам оғрий бошлайди. Иккинчидан, овқатланиш маданиятига риоя қиладиган одамнинг буйраги узоқ йиллар унга беминнат хизмат қилади. Аммо эрталаб ҳам, пешинда ҳам, оқшомда ҳам бир хил таом тановул қиладиган кишининг буйраги бошқаларникига нисбатан кўпроқ хасталанади.

Аслида, инсон организмидаги ҳар бир аъзога шунчаки бир аъзо эмас, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган тирик мавжудот сифатида қараши керак. Мисол учун, ўзимиз қиш узоқ давом этадиган бўлса, тезроқ баҳор келишини интизорлик билан кутамиз. Ёзнинг иссиқ кунлари жонимизга текканида, қишни соғинамиз. Буйрак ҳам худди шундай бир хилликни ёқтирмайди. Демак, ҳамиша соғлом бўлишни истайдиган киши кунлик овқатининг хилма-хиллигига алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, оёқларни совуқдан, захдан асраш буйракни ҳам касалланишдан сақлаш демакдир. Ана шу тавсияларга ҳамиша амал қиладиган одам буйрак хасталигидан азият чекмайди. Унинг буйраклари умр бўйи яйраб ишлайверади.

— **Гўдакларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида она сутининг аҳамияти беқиёс, дейишади. Бунга сизнинг муносабатингиз қандай?**

— Африкада шундай воқеа содир бўлган экан: бир норғул йигит атроф гўзаллигига маҳлиё бўлиб, узоқ-узоқларга тикилиб турганида, писиб ётган илон унинг кўзларига заҳрини сочади. Бу воқеадан сўнг йигитнинг кўзлари кўрмай қолиши аниқ. Бироқ худди шу пайт чақалоғини парваришлаб турган аёл уни тасодифан кўриб қоладида, дарҳол кўкрак сути билан йигитнинг кўзларини обдон ювиб, артиб, заҳардан тозалайди. Кейинчалик йигит шифокорга мурожаат қилганида, "Яхшиямки кўзингиз она сути билан ювилибди, йўқса, улардан бир умрга ажралишингиз мумкин эди" — деган гапни эшитади.

Демак, она сутида илон заҳрининг кучини кесадиган зидди заҳар борлигини ўша африкалик аёл билган. Аммо биз узоқ йиллар она сутининг мана шу хусусиятини билмадик. Агар билганимизда, "Нега сунъий сут билан озиқлантирилган болалар орасида ичкетар касалликлари оқибатида содир бўлаётган ўлим она сути билан парваришлангланларга нисбатан ўн тўрт баробар кўп?" — дея бошимизни қотириб ўтирармидик?!.

Ҳозирги пайтда ўз исботини топган бир далилни алоҳида таъкидлаш лозим: болани она сути билан тўйдириш бирданига уч вазифани бекаму кўст бажаради. Биринчидан, болани тўлиқ овқатлантириш амалга оширилади. Иккинчидан, бола соғлигини ҳар томонлама таъминлайди. Учинчидан, мурғак гўдакнинг келажаги мустаҳкам бўлишини кафолатлайди. Мана шу уч вазифанинг тўлиқ бажарилиши эса баркамол авлодни тарбиялашнинг гаровидир.

Маълумки, она сутининг таркибида ҳар хил тузлар, витаминлар, оқсиллар, гармонлар ва яна бошқа ўта фаол биомоддалар мавжуд. Улар шундай мутаносибликдаки, гўдакнинг ошқозоничак тизимида бенуқсон ва ўз қиёмига етган ҳолда сўрилиб, ҳазм бўлади. Энг асосийси, она сути таркибида пролактин гармони бор. Бу модда она организмида ҳомиладорлик давридан бошлаб кўпая бошлайди ва фарзанд туғилган пайтда она сути таркибида энг кўп миқдорни ташкил этади. Худди шу ўта фаол модда она сути билан бирга бола организмига ўтади ва қиз боланинг келажакда она бўлишини таъминловчи асосий восита сифатида хизмат қилади. Агарда қизалоқ организми мана шу модда билан тўйинмаса ёки миқдори кам бўлса, у келажакда бепуштлик касаллигига учраши мумкин ёки унда ҳомиладорлик катта қийинчиликлар ва кўп марта махсус даволанишлардан сўнг амалга ошади.

Ҳомиласи ўғил бола бўлган она организмида эса пролактиннинг кимёвий тузилиши, сифат ва хусусиятлари сал бошқача бўлганидан унинг фарзандига кўрсатадиган таъсири ҳам тамомила ўзгачадир.

Шу ўринда халқимиз орасида оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган бир ривоятни келтирмоқчиман:

Ўзини "Мана, мен!" деб юрган йигитнинг курагини қўшни қишлоқ полвони ерга теккизибди. Кейинги тўйда уюштирилган курашда ҳам йигитни ўша қўшни қишлоқлик полвон яна йиқитибди. Бунга гувоҳ бўлган йигитнинг отаси ориятига чидай олмай ўғлини хўп урибибди. Сўнгра "Балки бунга ўзим айбдордирман, балки ўғлимга курашнинг нозик жиҳатларини ўргатмагандирман", — деб ўйлабди. Шундан сўнг яна бир йил ўғлига курашнинг сир-асрорларини сабот билан ўргатибди, жисмонан роса тарбиялабди. Сўнг тўйлар бошланиб, кураш уюштирилишини орзиқиб кутибди. Чунки у энди ўғлининг ғалаба қозонишига жуда ишонарди-да. Ўша кутилган кун ҳам келибди. Аммо қўшни қишлоқлик полвон яна ўғлининг курагини ерга теккизибди. Шунда ота "Оҳ!" — деб юборибди-ю, ўғлининг йиқилиши сабабини билмай хуноби чиқибди ва: "Шу полвоннинг отасини бир кўрай, обдон суҳбатлашай", — деб ғолибнинг уйини суриштира-суриштира топиб борибди. Дарвозадан секин қараса, йигитнинг бақувват онаси қучоғидаги эгиз фарзандларига кўкрак сутини бераётганмиш. Курашда йиқилган йигитнинг отаси "Бундай парваришланган полвонга бас келиш асло мумкин эмас!" — деб ўйлабди ва ортига қайтибди.

Дарҳақиқат, она сутидаги пролактин моддаси орқали ўғил болада жасурлик, мардлик, кучқувват ва чаққонлик каби сифатлар шаклланади.

— **"Касални даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул", — дейди халқимиз. Бу нақлга амал қилиш учун эса кишидан юксак даражадаги тиббий маданият талаб этилади. Болаларда тиббий маданиятни шакллантиришни неча ёшидан бошлаш керак, деб ўйлайсиз?**

— Аввало, фарзандини тарбияламоқчи бўлган ота-онанинг ўзида тиббий маданият юксак даражада шакилланган бўлиши керак. "Ойи, мана шу жойим оғрияпти" — деган боласига: "Бор, ўйнайвер, бирпасдан кейин ўтиб кетади" — дейдиганларда тиббий маданият нима қилсин?! Агар ота-она фарзандида кузатилаётган бирор ноодатий ҳолатларга бефарқ бўлса, ўша "арзимаган" ноқулайлик оғир касалликларнинг бошланиши бўлиши мумкинлигини қаёқдан биласди?

Аслида тиббий маданият дегани — бирор касалликка ташхис қўйиш эмас, организмда кечаётган ноодатий белгиларни вақтида илғаб, шифокорга мурожаат қилишдир.

Яна бир гап. Катта ёшдагилар ўз касаллиги ҳақида кўпиртириб, муболаға билан гапиришга ўч бўлишади (дўхтирга "справка" ёздириб, ишхонага олиб бориш учун бўлса керак-да). Болалар эса, асосан, касалликни яширишга уринишади. Ахир, бирор жойим қаттиқ оғрияпти, дейишса, уларни дўхтирга олиб боришади, укол қилишади ёки камида аччиқ дори беришади. Шунинг учун улар иложи борича ўзларининг "касал эмас"ликларига ота-оналарини ишонтиришга ҳаракат қилишади. Шу боис ота-онадан ўта зийраклик талаб этилади.

Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш бош мақсад экан, аввало, ота-оналарнинг тиббий маданиятини янада юксалтириш лозим. Тиббий маданияти юқори бўлган она фарзандини тўғри парваришлашнинг сирларини яхши билади. Қолаверса, у боласидаги ҳар бир ноодатий ўзгаришларни вақтида илғаб, шифокорга мурожаат қилади. Бундай муҳитда ўсган фарзанднинг ўзида ҳам тиббий маданият шаклланиб боради. Зотан, ҳар томонлама баркамол авлодгина юртимиз тараққиёти йўлида хизмат қила олади.

Ситора ТОЖИДДИНОВА суҳбатлашди

АДЛИЯ

НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА АҲАМИЯТИ

Инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишида, эл-юрт ичида иззат-ҳурматга сазовор бўлишида, юксак одоб-ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этишида оила асосий ўринни эгаллайди. Оиладагилар ўзаро аҳил ва тотув бўлсалар, жамиятда ҳамжиҳатлик, давлатда осойишталик ҳукм суради. Оила аҳиллиги, баркамол фарзандлар жамият мустаҳкамлигининг гарови ҳисобланади. Ибрат сифатида кўрсатиладиган соҳибқирон бобомиз Амир Темур келин танлашда ҳамда фарзанд тарбиясига жиддий эътибор билан қарагани бежиз эмас.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган устувор ишлар, хусусан, аёлларнинг давлат ва жамиятдаги ролини ошириш, оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ёшларни баркамол қилиб вояга етказиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби кўплаб соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг негизида ҳам айнан шу мақсад — миллат тараққиёти масаласи ётади. Миллат генофондини сақлаш айнан шундан бошланади. Эр ёки хотин насл-насабида шаклланган ирсий касалликлар келгуси авлодлар тақдири, миллат келажаги учун ҳам хавфлидир. Оиласининг бахт-саодатини, роҳат-фароғатини ўйлаган одам шу масалаларни ҳам назардан четда қолдирмаслиги шарт.

Оила кодексининг 13-моддасига асосан никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади, яъни никоҳга кириш ҳақида ариза билан никоҳланувчилардан биттасининг турар жойидаги ФҲДЁ бўлимига (албатта, қўлларида шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари билан) мурожаат қилиш лозим. Бу никоҳ тўйидан бир ой олдин амалга оширилиши керак. Қонунда никоҳланувчилар бир-бирларини яхши ўрганиб, қатъий қарорга келишлари, турмуш ўртоғини танлашда адашмасликлари учун бир ойлик синов муддати белгиланган.

Айрим фуқароларимиз турмуш қурганларида шаръий никоҳ ўқитиш билан чекланиб қоладилар. Аммо бундай никоҳ ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди. Никоҳ ваколатли орган — ФҲДЁ бўлими томонидан қайд қилингандагина, эр-хотин ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади.

Оила кодексининг 14-моддасида никоҳ тузиш ихтиёрийдир, деб кўрсатилган. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади. Шунингдек, кодекснинг 15-моддасига бинонан никоҳ ёши эркаклар учун 18, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда, никоҳланувчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин. Кодекснинг 16-моддасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайдиган ҳолатлар санаб ўтилган, яъни:

— никоҳланувчилардан биттаси бошқа шахс билан қонуний никоҳда турган бўлса;

— насл-насаб шажараси бўйича яқин қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олинганлар билан фарзандликка олувчилар ўртасида;

— никоҳланувчилардан бирортаси руҳий касаллиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, бундай шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди.

Юқорида қайд этилганидек, турмуш қуришга аҳд қилган йигит ва қизнинг ўзаро розилиги ва бир-бирига майл-муҳаббати асосида қурилган никоҳ мустаҳкам бўлади. Шу никоҳ асосида дунёга келган фарзанднинг бахти барқарордир. Фарзанд оиланинг гултожи, эр-хотин ўртасидаги муҳаббат ришталарини боғловчи қимматли кўприк. Йирик маърифатпарвар Абдурауф Фитрат ёзганидек, "...Уйланишнинг биринчи мақсади фарзанддир...". Ҳар бир йигит-қиз соғлом оила қуришни, соғлом фарзандлар кўришни, уларни тўрт мучаси соғ ҳолда ўстириб, бахтини, камолини кўришни, ўз навбатида невара ва чевараларига бош бўлишни орзу қилади. Агар оила фарзанд кўриш бахтидан маҳрум бўлса ёки ногирон фарзанд дунёга келса-чи?..

Бундай бахтсизликнинг олдини олишни, наслимиз ва келажагимиз — фарзандлар соғлигию камолини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги

қарори билан "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги низом тасдиқланди. Ушбу низом 2004 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. Унга кўра барча никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўтганларидан ва соғликлари ҳақидаги маълумотномани ФҲДЁ бўлимига тақдим қилганларидан кейингина никоҳлари қайд қилинадиган бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилнинг 17 апрелидаги 78-сонли қарорига асосан 50 ёшдан ошган никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ихтиёрий ўтадиган бўлдилар.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган 2009 йилда Бухоро шаҳридаги 1-сонли ФҲДЁ бўлимида 686 та никоҳ қайд қилинди. Шундан 684 тасида никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўтказилди. 10 та никоҳланувчида низомда кўрсатилган касалликлар аниқлангач, уларга бундай касалликлар билан қурилган турмушнинг оқибатлари тушунтирилди.

Йил давомида бўлим ҳузурида ташкил қилинган "Оила дорилфунуни"нинг 24 та ўқув машғулотлари ўтказилди ва уларга 455 нафар тингловчи жалб қилинди. Ёшларни оилага тайёрлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оила қонунчилигини тарғиб қилиш борасида аҳоли ўртасида, ўқув юртларида кўплаб тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури"да белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2009-2010 ўқув йиллари давомида ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг 3-босқич талабаларига "Ёш оила қурувчилар мактаби" машғулоти бўйича тузилган ҳамкорлик режасига асосан Бухоро шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар прокуратураси, "Камолот" ЁИҲ, ички ишлар бўлими, "Оила ва никоҳ" маркази, шаҳар репродуктив маркази ходимлари ва имом хатиби иштирокида шаҳардаги юридик ва маиший хизмат, маданият ва касб-ҳунар, автомобиль ва йўл қурилиши туризм коллежларининг талабалари ҳузурида мунтазам ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, кейинги вақтларда барча эътибор ёшларимиз ҳаётига, соғлигига қаратилмоқда. Агар улар ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлсалар, юртимиз келажаги янада порлоқ, халқимиз турмуши фаровон бўлади.

Нодира МАРДОНОВА, Бухоро шаҳар 1-сон ФҲДЁ бўлими мудираси

ИИВ ХАБАРЛАРИ

ТИЛЛА ЗАНЖИР ВАСВАСАСИ

Тошкент шаҳри Учтепа туманида номаълум шахс уй бекаси, 1966 йилда туғилган Г.Иринанинг бўйнидаги қимматбаҳо занжирини юлиб қочди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Наманган шаҳридан келган 20 ёшли О.Умархон содир этгани аниқланди ва қўлга олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди, ИИБ тергов олиб бормоқда.

«ТИКО»ДАГИ ТАЛОНЧИЛАР

Фарғона туманида яшовчи 1988 йилда туғилган Р.Азизбек ИИБга мурожаат қилди. Аризада кўрсатилишича, икки номаълум шахс "Тико" русумли автомашинада келиб, уни куч ишлатиш йўли билан қўрқитган ва "Nokia" мобиль телефони ҳамда 100 000 сўм пулини олиб кетган.

Жиноят-қидирув ходимларининг тезкор саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу жиноятни Фарғона шаҳрида яшовчи 21 ёшли С.Нодир ва эндигина 20 ёшга қадам қўйган М.Улуғбек содир этгани аниқланди. Ҳуқуқбузарлик қилган мазкур шахслар энди қонун олдида жавоб беради.

СУМКАДАГИ ОҒУ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ўтказилган тезкор тадбирлар жараёнида Учтепа туманида яшовчи, аввал судланган, 1966 йилда туғилган Э.Анвар тўхтатиб текширилди. Унинг қўлидаги сумкадан 1 килограмм 300 граммдан зиёдроқ марихуанна топилгач, Анварнинг бежиз шубҳали хатти-ҳаракат қилмагани аён бўлди.

Ҳаётнинг қадрига етмайдиган бу кимса яна суднинг қора курсисидан жой оладиган бўлди.

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАС

Хоразм вилоятининг Урганч туманида номаълум ҳайдовчи ўзи бошқараётган автомашинада "Урганч — Беруний" йўлида борар экан, унинг 1-километрида 1952 йилда туғилган Ю.Қадамбойни уриб юборди ва қочиб кетди. Натижада Ю.Қадамбой воқеа жойида фожиали тарзда вафот этди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўз вақтида кўрилган тадбирлар натижасида ушбу йўл-транспорт ходисасини 1977 йилда туғилган Т.Шухрат ўзининг "Дамас" автомашинасида содир этгани аниқланиб, ушланди. Тергов давом этмоқда.

Норали ОЧИЛОВ, ИИВ ИХҲҚ ва ЮТБ матбуот маркази бош инспектори

Таҳририятга хатлар

ГАЗЕТА ҚАТЪИЯТ ВА АДОЛАТ МИНБАРИ БЎЛСИН!

Ҳурматли "Hurriyat" газетаси таҳририяти! Мен Наманган давлат университетининг педагогика факультетида таҳсил олаётган бўлсам-да, журналистикага жуда қизиқаман. Шунинг учун ҳозир вилоятимиздаги «Халқ иродаси» газетасида мухбирман. Шаҳар, вилоят ва республика газеталарида мақолаларим билан қатнашиб тураман.

Мақолаларимда ҳаётда, маънавиятимизда, қадрият ва муносабатларимизда, саводхонликда учраб турадиган камчиликларни тилга олиб, уларни танқидий, таҳлилий, баён этиб келишга ҳаракат қилмоқдаман.

Уйимизга меҳмон ҳар замонда келса, газета ҳар куни келади. Шунинг учун газетанинг ҳиди билан улғаймоқдаман, десам янглишмаган бўламан. Чоршанба куни матбуот дўконларини айланиш мен учун севимли одат. Чунки "Hurriyat"ни чиққан куниёқ ўқишни хоҳлайман.

Газета саҳифаларидаги "Журналист текшурувчими?", "Мода ниқобидаги иллатлар", "Меҳрга муҳтож хилқат", "Компьютер ўйинчоқ эмас", "Кўнгилочар" газеталар кўнгилочарми?!," "Тўғри гапиришнинг иложси борми?" каби танқидий-таҳлилий мақолалар жуда ёқди. Истардимки, шундай мақолаларнинг сони кўпайса. «Таҳририятга хатлар» рукни ҳам ёқади. Дарвоқе, шу йилнинг 12 майидан сўнг таниқли муҳаррирлар билан газетачилик хусусидаги муаммолар ўртоқлашиладиган саҳифа йўқолиб қолди. Уни яна тикласангиз, жуда яхши иш бўлар эди. Газетачилик ҳақида, журналистика жанрлари ҳақида ҳам маълумотлар, хилма-хил жанрлардаги материаллар бериб борилса, ўйлайманки, фойдадан ҳоли бўлмасди. Бу билан "Hurriyat" ёш кадрларга мактаб вазифасини ҳам ўтаб берган бўларди. «Журналист этикаси ва маслаҳатлар» рукни очилса, жуда ажойиб иш бўларди.

"Hurriyat" — ҳур фикрлар минбари бўлиб қолаверсин, дейман.

Орифжон ЖЎРАЕВ, *Наманган вилояти*

ЯХШИЛИККА ЁМОНЛИКМИ?

Ҳовлига кўчиб чиққач, квартирамизга бир муддат ижарачиларни қўйдик. Улар чиқиб кетишганидан сўнг уйдаги гулларга сув қуйиш учун тез-тез бориб турадиган бўлдим. Биздан юқори қаватда анча йиллардан бери ёши саксонларни қоралаган бир отахон яшарди. Ёлғиз яшаганни учун у кишига доимо овқат, баъзан пул ҳам бериб турардик. Бу сафар ҳам онам қўярда-қўймай ўша қўшнимизга бергин, дея менгдан овқат бериб юборди. Уйимизни йиғиштириб, гулларга сув қуйиб бўлгач, отахоннинг эшигини тақиллатдим. Анчадан кейин эшик очилди. Охирги бор кўрганимдан ҳам анча қариб, жуссаси кичрайиб, қолибди экан. Қўшниси эканимизни айтиб, овқат олиб чиққанимни билдирдим. Мени танимади, шекилли: "Сизлар янги ижарачимисизлар?" — деб сўради. "Ҳа" дедим, гапни қисқа қилиб. Чол қандайлиг гап айтмоқчидай менга тикилиб турди-да, гап қотди: "Яхши одамларнинг боласита ўхшаяпсизлар, лекин бу уйнинг эгалари жуда ёмон одамлар — жанжалкаш, қизғанчиқ. Нима учун уларнинг уйида турибсизлар?"

— "Амаки, улар сизга қандай ёмонлик қилган?" — дедим ҳайратим ошиб. Чол бизнинг оиладагилар одамларга ҳеч ким яхшилик қилмаслигини, одамларнинг дилини оғритиб, қарз сўраганларга қарз бермаслигини айтди.

Бу гапларни эшитиб, ўйланиб қолдим. Наҳотки шу одамдан бунақа гаплар чиқаяпти? Ахир яхшилик қилиб, яна ёмон отлиғ бўлиб турсак-а?!.

"Майли отахон, соғ бўлинг!", дедим-да, — хайрлашиб, секингина ортимга қайтдим. Эшитишимча, бу одам аввалари катта амалларда ишлаб, кайфу сафога берилган экан. Ҳатто бир неча бор қамалгани, бузғунчи ишларни қилганидан хотини ҳам кетиб қолган экан. Аммо қолган умри ёлғизликда ўтаётган қариянинг бировни, яна тез-тез ош-қатиғидан бохабар бўлиб турган қўшнисини ғийбат қилаётгани мени таажжубга солди.

Ойдин САЙФУЛЛАЕВА, *Тошкент шаҳри*

ҚЎЛГА БОҒЛИҚ ҲИКМАТЛАР

Қадим-қадимдан инсоният учун қўл энг фаол аъзолардан бўлгани сабабли у рамзий маъноларда ҳам ишлатилади. Масалан, «Подшоҳнинг қўл остидаги ерлар,» «У менинг ўнг қўлим», «Қўли калталик қилиб қолибди», «Унинг қўли узун ҳамма ерга етади» каби жумлаларда қўл рамзининг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқлиги акс эттирилган.

Бир қатор халқларда ўнг ва чап қўл билан бажариладиган ҳаракатлар қатъий чекланган. Масалан, мўғулларнинг тасаввурича, ўнг қўл «саховатли қўл», фақат шу қўл билангина совға-салом бериш ва олиш, сут сотиш мумкин.

Баъзи халқларда чап қўл вазифаси бешиқлаёқ чекланган. Жумладан, серблар чақалоқни белаётганда ўнг қўлни чиқариб қўйишган, бу қўл билан у шайтонларни ҳайдайди, деб ишонишган. Лотин Америкаси ва Жанубий Европа, шунингдек, арабларда суҳбат чоғида елкага қоқиб қўйиш, «қўлни ташла» каби одатлар мавжуд. Улар наздида қўл билан тегмаслик суҳбатдошига нисбатан совуққонлик ҳисобланган.

Маълумки, қўл бутунги кунда кўришиш, саломлашиш рамзи ҳисобланади. Қўл билан сўрашиш Кавказ ва Марказий Осиё халқларида кенг тарқалган. Рус, инглиз, американликлар ҳам қўл олиб, саломлашадилар. Баъзи давлатларда эса саломлашиш бутунлай бошқача кўриниш олган. Хусусан, лапландияликлар ва полинезияликлар бурунларини бурунларига теккизадилар. Самоаликлар ҳурмат билан эгилиб, бир-бирларини ҳиллайдилар. Мўғулистонда одамлар «Молингиз омонми?» деб саломлашишади. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, чорвадор халқнинг ҳаёти подасининг аҳволига боғлиқ. Шунингдек, имо-ишора билан кўришиш, таъзим қилиш, қўл силкиш, икки қўлни бирлаштириб кўришиш каби саломлашишлар мавжуд. Европада қадимда пошналарини бир-бирига уриб саломлашишган, ҳиндлар эса қўл кафтларини бирлаштириб таъзим қилишади.

Мусулмонлар ўнг қўл ҳалол, покиза ишларни бажариш рамзи бўлгани учун шу қўл билан сўрашишади. Бизда ҳам «Ассалому алайкум» деб саломлашиш одат тусига кирган, унга жавобан «ва алайкум ассалом» деб алик олишади. Бу сўзлар арабчада «Сизга соғлиқ тилайман» деган маънони англатади. Ўнг қўлни юрак устига қўйиб, саломлашишга нима етсин!

Севара КАРИМОВА, *ЎзМУ талабаси*

ЭЪТИРОФ

ФИКРЛАР САРАЛАНАДИГАН ДОНИШХОНА

Вақт — оқар дарё, дейишади. Гўё яқинда ташкил этилгандек кўринган «Тафаккур» журналининг фаолият кўрсата бошлаганига ҳам 15 йилдан ошибди. Журналчилик таҳлилий материалларга бойлиги ва кенг қамровлилиги, безагининг ўзига хослиги билан босма оммавий ахборот воситаларининг бошқа турларидан ажралиб туради. Дунёда журналлар кўп, аммо миллий қадриятлар, умуминсоний тафаккур масалаларига эътибор беришда «Тафаккур» журналига тенг келадигани кам бўлса керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда нашр этилаётган журналларнинг сарларидан бирига айланган "Тафаккур"га ўз тенгдоши Республика Маънавият тарғибот маркази қатори халқимизнинг онгини ўзгартиришга хизмат қиладиган миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, ўзликни англаш, аждодларимиз меросини борича ўрганиш каби маънавий-маърифий йўналишдаги вазифалар юклатилган.

Ҳар бир сонининг ҳажми 8 босма тобоқ атрофида бўлган бу журнални қайроқи аноргa ўхшатаман: чоғроқ бўлса-да, доналари зич терилган, ранги ақиқдай, таъмига таъриф камлик қилади.

Ўтган йиллар мобайнида "Тафаккур" таҳририятига кимлар келиб кетмади: бош муҳаррир хонасидан турли соҳаларнинг етук олимлари — файласуфлару сиёсатчилар, иқтисодчилару санъатшунослар, адабиётшуносларқадами узилмади. Илм аҳли, одатда, ўжарроқ, баҳсталаб, нуқтаи назарини қатъият билан ҳимояловчи бўлади. Бош муҳаррир ҳам уларга бўш келмайди: тенг-баробар гаплашади, баҳслашади, журнал йўналишини жиддий ҳимоя қилади. Унда чоп этилаётган катта-кичик барча мақолаларда замон, даврнинг томир уриши талқин қилинади. Ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги ўзгаришлар чуқур таҳлил этилади. "Тафаккур" Э.Аъзамни пишиқпухта ижодкор этиб тарбиялади. Унинг гапсўзлари, муносабатларида Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Миртемир, Шайхзода, Зулфияга хос зукколик, топқирлик, фидойилик кўзга ташланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Эркин Аъзамни моҳир муҳаррирга айлантирган қатор омиллар ҳам бор эди. Аввало, "Тафаккур" ҳамиша маънавиятимизнинг асосий ҳомийси муҳтарам Юртбошимиз эътиборида бўлди. Иккинчидан, "Тафаккур"да Озод Шарафиддинов, Абдулла Аъзам, Фахриёр сингари қалами равон ижодкорлар бош муҳаррирга яқиндан ёрдам бердилар, Эркин Аъзам Озод Шарафиддинов билан ҳамкорликда ишлаган йилларини шавқ билан тилга олади. Устоз Шарафиддинов "Тафаккур" таҳририятига янгича руҳ, талабчанлик олиб кирди. Унинг "Тафаккур"да босилган мақолаларида "Сен мақола ёзма, ўзлигингни намоён эт, қалбингни ифода эт" — деган нидо янграётгандай бўлади. Домланинг "Эътиқодимни нега ўзгартирдим?" мақоласи "Тафаккур" учун унинг юксак талаблари асосида битилди. Унинг ҳар сатридан: "ҳақиқатни ёзяпман", "қалбим буюрганини айтяпман", — деган иқрор англашилиб туради.

"Тафаккур" таҳририяти аъзолари рўйхатига назар соламан. Бир неча ижодкорлар журнал таъсис этилганидан бери таҳририят аъзоларидир. Ишонаманки, улар журнал манфаати йўлида бундан кейин ҳам тинимсиз изланадилар.

"Тафаккур"да босиладиган мақолалар мавзу жиҳатдан ғоятда ранг-баранг. Унда турли асрларда яшаган истеъдодли олим, ижодкорларнинг етук асарлари чоп этилади. Масалан, "Бобурнома" ҳақидаги мақолани олайлик, унда 1605 нафар киши ҳақида маълумот, бевосита уларнинг ҳаёти ва фаолиятига баҳо берилган ҳамда муносабат билдирилган, 1151 та жой, 277 та қавм-қабила ва насл-насаб, 414 та ҳайвон ва ўсимликлар, 40 та китоб ва рисола номи тилга олинган, 18 та мақол ва ҳикматли сўз ҳамда 94 та шеърий парча келтирилган.

"Тафаккур" дунё олимлари ва адиблари ҳақида узлуксиз равишда мақолалар бериб келади. Лекин у миллий журнал эканини зинҳор унутмайди. Тафаккурчилардан Б.Зокир, С.Олим сингарларнинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган элчилар билан суҳбатларида қиёсий-умумлашма усул кўзга яққол ташланади. Биз — киммиз, улар — ким: тафовут нималарда кўринади. Журналда босилган барча мақолалар заминида "Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз. Тамаддунимиз, интеллектуал салоҳиятимиз ҳеч қайси қадимий халқникидан қолишмаган", деган фикр ётади.

Алишер Навоий, Бобур ҳақидаги мақолаларда комил инсон масаласи, бадиий маҳорат муаммолари, умуминсоний, мангу мавзулар ўртага қўйилади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, миллий маънавиятимиз, юксак санъатимиз, илм соҳасидаги ютуқларимиз бўлмаганида, жаҳон маданияти, фани кемтик бўлиб қоларди. Мутафаккир аждодларимиз кўтарган муаммолар, ўтмиш санъатимиз акс эттирган мавзу, тимсоллар кейинчалик дунё олимлари ва адиблари ижодида кўрина бошлаган.

Демак, "Тафаккур" собиқ тузумдаги тор мафкура туфайли хиралашиб қолган кўзларга ойнак, мудроқ қалблар қулфини очадиган сеҳрли калит бўлди. Мустақилликка эришган ўзбек дунёга очиқ кўз билан қарашга, фалсафа, нафосатшунослик, санъат, адабиёт тарихини чуқур ўрганиш ва билиш имконига эга бўлди.

Оммавий ахборот воситалари, айниқса, жиддий журналлар ҳамиша келажакни ўрганади, таҳлил қилади.

"Тафаккур" журнали таҳририяти ҳам ўз фаолиятида истиқболни аниқ кўриш ва тасвирлашнинг назарий муаммоларига эътибор қаратди. Келажакка интилиш Ғарб ва Шарқ, англо-америка эстетикаси, адабиётшунослиги, бадиий адабиёти, санъати соҳасидаги ўлмас қонуниятларни, мангу асарларни ўрганиш, ўзлаштириш орқали ҳам амалга ошиши мумкин. "Тафаккур" журнали Стефан Цвейг, Лев Толстой, Гельвеций, Ларошфуко, Гарсиа Маркес, Жалолиддин Румий, Пифагор, Стивен Хокинг, Р.Тагор, Ф.Кафкра, Эрнст Мўлдашев, Жан Поль Сартр, З. Фрейд, Х.Борхес мақолаларини чоп этди. Машҳур санъаткорлар, донишманд мутафаккирлар мақолалари қадриятдир. Одам боласи кийган кийимини, еган тансиқ овқатини унутади, лекин қадриятга айланган мақолаларни, бадиа ва асарларни зинҳор унутмайди. "Тафаккур"да эса ана шундай ижодий ишларга кенг ўрин берилган.

Мазкур журналда мақола, илмий асар чоп этириш — ҳар қандай олиму адибнинг орзуси. Журналда асари босилган ижодкорнинг рейтинги дарҳол кўтарилади.

Эркин Аъзам 16 йилдан бери оммавий ахборот воситалари уммонида "Тафаккур"дай маънавий-маърифий, ижтимоий-фалсафий кемани моҳирлик билан бошқариб келмоқда. У шу муддат ичида не-не олимлар, донишмандлар, санъаткору ёзувчилар билан учрашмади?! У илк қиссаси — "Отойининг туғилган йили"дан бошлабоқ фикри тор, ҳарфхўр одамларни танқид қилганди. "Тафаккур" бош муҳаррирни изланишга, келажакка интилишга ундади. У "Аралашқўрғон", "Гули-Гули", "Шажара" сингари асарларида тўрт мучаси соғ, аммо онги паст, диди саёз бўлган кишилар тимсолини яратиш баробарида Ёзувчи ("Ёзувчи"), Болта Мардон ("Сув ёқалаб"), Забаржад ("Забаржад") Баҳром ("Қарздор"), Жонибек, Расул муаллим ("Фаришта"), Пакана ("Пакананинг ошиқ кўнгли") каби образларда нигоҳини келажакка тиккан замон кишилари характерини ҳам моҳирона кўрсата олди.

Абдуғафур РАСУЛОВ,
ЎзМУ профессори

ҚАЛАМ АҲЛИ — ЮКСАК ЭЪТИБОРДА

(Бошланиши 1-бетда.)

Айниқса, шинамгина кутубхона, дам олиш хонаси, стол тенниси ва шахматшашка хоналари, замонавий ошхона, бассейн барпо этилгани йиғилганларни хушнуд этди.

Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси ҳам тамомила янги қиёфа касб этган. Поликлиникада етмиш нафар юқори малакали тиббиёт ходимлари уюшма аъзолари ва уларнинг оиласига замонавий жиҳозлар ёрдамида тиббий-профилактика хизмати кўрсатиш имкониятига эга.

Анжуман доирасида "Дўрмон" ижод уйи ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникасини фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобур Алимов, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо ва бошқалар ижод уйида, қолаверса поликлиникада яратилган шарт-шароитлар Ватанимизда қалам аҳлига қаратаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир исботи эканини алоҳида таъкидлашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Анжуман ниҳоясида "Дўрмон" ижод уйида яратилган шарт-шароитлар билан танишган бир гуруҳ ижодкорлар билан суҳбатда бўлганимизда, улар Истиқлол шарофати билан қаламкашларга алоҳида эътибор кўрсатилаётганини фахр ва ғурур билан изҳор этишди:

— Бу хушманзара ижод уйида Зулфияхоним, Ҳамид Олимжон, Саид Аҳмад, Шукур Холмирзаев каби кўплаб забардаст ўзбек ижодкорларининг қадамлари, табаррук нафаслари қолган. Уларнинг энг яхши асарлари шу масканда туғилган. Муҳтарам Юртбошимизнинг алоҳида эътибори туфайли "Дўрмон"нинг янада чирой очиб, дам олиш, ижод қилиш учун барча шароитлар яратилганидан уларнинг ҳам руҳлари шод бўлган бўлса, ажаб эмас, — дейди шоира Хуршидабону Қўчқорова. — Ушбу гўзал масканда вилоятларда яшаб, ижод қилаётган қаламкашларнинг меҳнат таътили давомида дам олиб, ижод билан шуғулланишлари учун ҳам имкониятлар яратилганидан бошимиз кўкка етди.

— "Дўрмон" боғида қилинган хайрли ишлар бутун адабиётимиз бўстонида ҳам амалга оширилянпти, десак адашмаймиз. Муҳтарам Президентимизнинг адабиётга эътиборни маънавиятга, келажакка эътибор сифатида баҳоланганлари ҳар бир ижодкорни руҳлантиради. Айниқса, ёш истеъдодларнинг биринчи китоби бепул нашр этилиб, мамлакатимиздаги барча таълим масканларига етказилишини таъминлаш борасидаги кўрсатмалари ёшлар кўнглини тоғдек кўтарди, — дейди истеъдодли ёш шоир Азизбек Анвар. — Бу ислоҳотлар замирида буюк эзгу мақсад ётганини кўпчилик теран ҳис қилиб турибди. Яъни иқтисодий инқироз ёқасидан эндигина қайтаётган дунё аллақачонлар маънавий таназзулга қадам қўймоқда. Бу фикримизга исбот сифатида ғарб ва океанорти давлатларида турли ахлоқсизликларнинг оддий ва одатий ҳолга айланаётганини айтиш мумкин. Худди шу бузғунчиликларни "оммавий маданият" ниқоби остида бизга ҳам тиқиштирмоқчи бўлган кучлар борлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Одатда мустаҳкам эътиқоди йўқ, асрлар давомида шакилланган қадриятлари, маънавий суянчиғи бўлмаган миллатлар ташқи таъсирларга тез берилади. Чунки уларда бой берадиган катта мерос бўлмаслиги мумкин. Лекин бизда бутун дунё ҳавас қиладиган, тан оладиган ғоят улкан маънавий мерос бор. Ана шу мероснинг қадр-қимматини халққа етказадиган, ахлоқсизликларнинг олдини олишга сезиларли таъсир ўтказа оладиган куч — адабиётдир. Навоий ҳазратлари ҳамма асарлари орқали инсонни комилликка чақирган. Умуман, яхши асарлар одамни тарбиялаши бор гап. Бугун ижод аҳли учун, кўриб турганимиздек, барча шароитлар етарли, энди фақат ёзиш керак. Яхши асарлар яратиш керак. Биз ёшлар шу ғамхўрликнинг, юксак эътиборнинг қадрига етиб, катта адабиётнинг муносиб давомчилари бўлишга, яхши асарлар яратишга астойдил интиламиз.

— Тўғриси, "Дўрмон" ижод уйидаги шарт-шароитлар билан танишиб, бу ернинг мусаффо ҳавоси-ю, хушманзара табиатидан баҳраманд бўлиб, шу юртнинг фарзанди эканимдан, шу диёрда ижод қилаётганимдан қалбимда чексиз фахр-ифтихор туйдим, — дея тўлқинланиб сўз бошлади ёш ижодкор Акмал Тошев. — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникасида шоир ва адибларимизнинг соғликларини тиклаб олишлари учун барча имкониятлар мавжудлиги ижод аҳлининг саломатлигига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги нишонасидир. Шу юртнинг бир навқирон ижодкори сифатида мен ва менинг тенгдошларимга билдирилаётган ишонч ва рағбатдан чексиз миннатдормиз.

Чиндан ҳам, юртимизда адабиётга, маънавиятга кўрсатилаётган эътибор нафақат ижод аҳлини, балки барча ватандошларимизни қувонтиради. Зотан, қалами равон ёзувчи, шоирларимиз томонидан яратилаётган асарлар бутун халқимизнинг мулки, маънавий бойлиги бўлиб қолаверади. Шундай экан, халқимиз, китобхонлар қаламкашларимиздан яратилаётган имкониятларга яраша янада мукаммал асарлар кутади.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири

ТАКЛИФ

Тезкор давр тақозосига кўра кундалик ҳаётимизга ҳар хил янгилик ва ўзгаришлар жадал кириб келмоқда. Бундан 20-30 йил илгари бизда реклама тўғрисида ҳозиргидай тушунча йўқ эди. Бугун эса ҳар қадамда реклама маҳсулотларига кўзимиз тушади. Сотиладиган маҳсулотдан тортиб миллийлигимизни тарғиб этувчи хилма-хил рекламалар онгимизга у ёки бу тарзда ўз таъсирини ўтказмоқда.

Яна... реклама ҳақида

Афсуски, юртимизнинг шаҳар ва туман марказларидаги кўчаларда осиб қўйилган пешлавҳаларда, экранларда, бино ва иншоотлар томларида, йўл чеккаларидаги рекламаларни, улардаги ғиж-ғиж хатоларни, миллий маданиятимизга мос келмайдиган расм ва тасвирларни, миллатимиз тафаккурига зид ранглар қоришувини кўрганда ҳафсаламиз пир бўлади. Имло хатолар, айниқса, лотин ёзувидаги рекламаларда, маҳсулот қолиб телефон рақамлари катта-катта қилиб ёзилганини кўриб энсанг қотади. Очиғи, тарғиб этилаётган маҳсулотлар ҳақида истеъмолчига тўлиқ маълумот берадиган ёрқин рекламалар камдан-кам учрайди.

Тўғри, 1998 йил 25 декабрда «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши бу соҳага оид ишларни тартибга солишда катта аҳамият касб этди. Ушбу қонун маҳсулотлар тўғрисидаги ахборотлар оқимини шакллантирди, тадбиркорлик ва истеъмол маданиятига жиддий таъсир қилди. Шунингдек, бу қонун юридик ва жисмоний шахсларни маҳсулотлардан ҳимоялаш билан бирга, истеъмолчиларни чалғитадиган, ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар тарқатилишининг олдини олди.

Бугунги кунда тайёрланаётган рекламалар реклама агентликларининг оддий бўёқчилари, рассомлар ёки тасвирий санъат маълумотига эга бўлмаган «компьютерчи-дизайнер»лар томонидан тайёрланиб, осиб қўя қолинаяпти, чоғи. Шунинг учун бундай реклама ва эълонларнинг мақсадини ҳам, мазмунини ҳам тушуниб олиш қийин.

Реклама агентликларида асосий фаолият билан фақат дизайнер ва ҳисобчи шуғулланади. Шунинг учун берилаётган рекламанинг мазмун-моҳияти ўшаларнинг билим ва савияси даражасида тайёрланаяпти. Бу эса бизда реклама маданиятининг ҳали тўлиқ шаклланмаганини кўрсатади. Масаланинг туб моҳиятига назар солсак, кўча ва йўлларда мавжуд бўлган турли-туман мавзулардаги рекламаларни назорат қилувчи ташкилотнинг ўзи йўқдай. Ваҳоланки, бу масала ҳокимликлар зиммасига юкланган. Уларга мурожаат қилинганда шундоқ ҳам бандликларини важ қилишади. Бу ёқда эса аҳолининг маънавиятига путур етказилмоқда.

Биздаги бугунги реклама соҳаси таҳлилини унинг амалиётидан эмас, балки ўзбекона назариясини ривожлантиришдан, аҳолига реклама тўғрисидаги миллий маълумотларни тарқатишдан бошлаш керакка ўхшайди. Айтайлик, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув дастурига реклама маданияти ҳақида алоҳида дарслар киритилиши лозим. Чунки ўқув муассасаларида таълим олаётган талабалар эртага ўз иш жойларига эга бўлади ва табиийки ўзларида рекламага эҳтиёж сезади.

Фикримизча, талабаларни амалиётни ўташ учун фақат телевидение, радио, даврий нашрларгагина эмас, балки турли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига ҳам юбориш керак. Чунки ҳамма соҳада реклама лозим.

Мамлакатимизда реклама саноатини ривожлантириш учун берилаётган маълумотни реклама берувчи, айниқса, рекламани тайёрловчи ҳар томонлама ўрганиши ва миллий маданиятимиздан, маънавиятимиздан хабардор бўлиши асосий мезон ҳисобланмоғи керак. Шундагина миллий менталитетимизга номақбул рекламалар намойиш қилиниши-нинг олди олинади. Бу эса вақт билан боғлиқ бўлиб, кадрлар тайёрлашни талаб қилади. Вақт эса кутиб турмайди. Шунинг учун ҳозирча рекламачиларнинг маънавиятни ривожлантиришга алоқадор соҳа ходимлари билан ҳамкорликда ишлаши лозимлигини бугун кўпчилик тушуниб етаяпти.

Бугун рекламага фақат моддий томондан эмас, маънавий томондан ҳам қараш лозим. Зотан, ҳатто товар рекламаси ҳам умум маънавият тарғиботининг узвий бир бўлагидир. Шунинг учун эртанги куннинг эгалари бўлмиш ёшларимиз реклама ҳақида етарли тушунчага эга бўлмоқлари шарт. Бунинг учун реклама тўғрисида ёзилаётган илмий ишлар ва мақолалар таҳлилини катта аудиторияларда муҳокама қилишни йўлга қўйиш керак. Ҳозир бу борада баъзи илмий ишлар олиб борилаётганига қарамай амалиёт билан боғлиқ ишлар етарли эмасга ўхшайди. Керак бўлса, бу соҳага оид алоҳида қўлланмалар чоп этиш, илмий ишларни кучайтириш пайти келди.

Биз бераётган бу таклиф ва мулоҳазалар реклама саноати ва маданиятини оширишга хизмат қилиши табиий, деб ўйлаймиз. Уларнинг ёнига ҳар томонлама мукаммал миллий рекламанинг келиб қўшилиши халқимизнинг маънавиятини бойитади. Пешлавҳаларда, ОАВда берилаётган рекламалар аввало содда, тушунарли, миллий маънавиятимиз доирасида бўлиши билан ажралиб туриши керак.

Ҳаёт изчил илгарилаб бормоқда. Одамлар онги, айниқса, ёшларнинг дунёқараши кенгайиб кетди. Уларга реклама деб аталувчи оддий тушунчани аниқ ва лўнда тушунтириш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳали жуда кўп.

Наргиза АҲМЕДОВА,
журналист

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ШАРҲ

Тилсиз ёв қутқуси

Ўтган ҳафтадаги тафсилотимизда дунёда ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб кетгани ва бунинг натижасида турли офатлар келиб чиқаётгани ҳақида ҳикоя қилган эдик. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши Россияда кўплаб ёнғинларни келтириб чиқарди. Сўнгги маълумотларга қараганда, мамлакат ҳудудида кечага қадар 438 та жойда ёнғинлар давом этмоқда. Улар 121 минг гектар майдонга ёйилган. Мамлакат Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакилининг таъкидлашича, тилсиз ёвга қарши курашда биргина Нижний Новгород вилоятида 21 минг нафардан кўпроқ одам, 5 мингта техника, шулардан 63 таси вертолёт, иштирок этмоқда. ФВВ вакили тарқатган хабарда айтилишича, йил бошидан буён жами 22 минг 930 жойда ёнғин бўлган.

Ёнғин нафақат ўрмонларнинг нобуд бўлишига, балки кўплаб одамларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўляпти. Масалан, Нижний Новгород вилоятининг Викусин туманининг ўзида ёнғин туфайли 14 нафар одамнинг ёстиғи қуриди. Туманнинг Шерневка, Тамболес, Борковка қишлоқлари ва Красний Бакен посёлкаси бутунлай ёнғин ичида қолди. 183 оилада яшовчи 459 киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳаммаси бўлиб вилоят бўйича 30 киши тилсиз ёв қурбонига айланган.

Туманнинг Верхнея Варея аҳоли пунктига мамлакат ҳукумати раиси Владимир Путин келиб, вазият билан танишди. Бу ердаги 574 та уй бутунлай ёниб кетган. Россия фавқулодда вазиятлар вазири Сергей Шойгунинг айтишича, авиация вазиятнинг олдини олиш учун катта қийинчилик билан ишлаяпти. Ҳамма томонни тутун босгани, кўриниш масофасининг камлиги авиация ишига жиддий халақит беряпти. "Ҳозирги асосий вазифа аҳолини ва иқтисодий объектларни ёнғиндан сақлаб қолишдир", деди вазир.

Сўнгги хабарларга қараганда, ўрмон ёнғинлари Москва вилоятидаги Россия ҳарбий-денгиз флотига қарашли йирик ҳарбий базагача етиб борган. Воқеа 29 июль куни содир бўлган бўлса-да, шу пайтгача сир тутилган. Куни кеча бу журналистларга ошкор бўлди.

Нижний Новгород вилоятига Москва, Чувашистон ва Татаристондан техника ва мутахассислар ёрдамга келмоқда. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасидан олинган маълумотда айтилишича, Москвадан Мудофаа вазирлигининг 100 нафар ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 50 нафар мутахассислари, шунингдек, 10 автоцистерна, 23 та ўт ўчириш машиналари етиб келган.

Шуни айтиш жоизки, вилоятнинг Сареве шаҳрида ядро маркази жойлашган. Энг ёмони, ёнғин шу марказ томон яқинлашиб бормоқда. Сергей Шойгунинг айтишича, авиация вазиятнинг олдини олиш учун катта қийинчилик билан ишлаяпти. Ҳамма томонни тутун босгани, кўриниш масофасининг камлиги авиация ишига жиддий халақит беряпти. "Ҳозирги асосий вазифа аҳолини ва иқтисодий объектларни ёнғиндан сақлаб қолишдир", деди вазир.

Сўнгги хабарларга қараганда, ўрмон ёнғинлари Москва вилоятидаги Россия ҳарбий-денгиз флотига қарашли йирик ҳарбий базагача етиб борган. Воқеа 29 июль куни содир бўлган бўлса-да, шу пайтгача сир тутилган. Куни кеча бу журналистларга ошкор бўлди.

Life News сайтида ёзилишича, табиий офат туфайли 20 миллиард рубллик 200 та самолёт ва вертолёт ёниб кетган. База ҳудуди бутунлай кулга айланган. Расмийлар бу хабарни аввал рад этишган бўлса-да, кейинроқ тан олишди. Лекин талафот унчалик катта эмас, дейишмоқда улар.

Воронеж вилоятида янги ёнғин ўчоқлари пайдо бўлди. Узоқ Шаркда эса эса ўрмонлар ёниб кулга айланмоқда. Ёнаётган майдонлар сўнгги кунларда уч бараварга, яъни 31,1 минг гектардан 99,2 минг гектарга кенгайган. Бундан ташқари, бу ерда 298 минг гектар ўрмон бўлмаган ерларда ҳам ёнғин кузатиляпти.

Шуниси ачинарлики, доимо совуқ ҳукмронлик қиладиган Камчатка, Магадан, Ёқутистонда ҳам иссиқ туфайли ўрмонлар ёнмоқда. Ўтган якшанба куни эрталабга қадар Камчатка ярим оролида 76,3 минг гектар ердаги ўрмонлар ёнаётгани ҳақидаги хабарни ИТАР-ТАСС тарқатди.

Вазият шу даражага етдики, Россияга чет давлатлар ўз ёрдамини таклиф қила бошлади. Куни кеча Германия ташқи ишлар вазирлиги Москвадаги элчихонаси орқали ўз ҳукумати Россияга ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди. ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, расмий Берлин табиий офатдан жабр кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш, бошпанасиз қолган одамлар учун вақтинчалик уйлар қуриш ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда ёрдам беришга тайёр эканини айтган. Аммо Россия бу таклифни қабул қилмади.

Айтиш жоизки, Москва Германиянинг ёрдам бериш тўғрисидаги таклифини рад этган эса-да, Украина ва Озарбойжондан ёрдам олишга рози бўлди. Президент Дмитрий Медведев Фавқулодда вазиятлар вазирлигига ана шу икки давлатнинг авиатехникасидан фойдаланишга рухсат берди. Энди ёнғинни ўчиришда Украинанинг Ан-32 самолётлари ва Озарбойжоннинг иккита ўт ўчириш вертолёти иштирок этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тилсиз ёвнинг ҳужуми Россиядек катта мамлакат аҳолисини оёққа турғазди. Хабарларда айтилишича, ёнғинга қарши миллионлаб одамлар кураш олиб бормоқда. Лекин уни оғир қийинчиликлар ва қурбонлар эвазига енгишга тўғри келяпти.

Мафтуна ЭСОНОВА

ДАРАКЛАР

«NOKIA»НИНГ ОҒИР КУНЛАРИ

«Nokia» мобиль телефонлар ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик компания эканини кўпчилик яхши билади. Лекин компания бугун бошидан оғир кунларни кечирмоқда. Маълумотларга қараганда, шу пайтга қадар жаҳон бозоридаги мобиль телефонларнинг 41 фоизи шу компания заводларида ишлаб чиқарилган. Лекин алоқа бозорига АҚШнинг «Apple» ва «Google» телефонлари кириб келгач, «Nokia» телефонларига талаб камайиб кетди. Айтиш жоизки, жорий йилнинг иккинчи чорагида компания заводларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 фоиз кам маҳсулот ишлаб чиқарилди. Натижада гигант корхонанинг жорий йилнинг иккинчи чорагидаги даромади бор-йўғи 227 миллион еврони ташкил этди, холос.

Маҳсулотга талабнинг камайиши охир-оқибатда заводларнинг ёпилиши ва иш ўринларининг қисқаришига олиб келади.

АКТЁРНИНГ ҚАРОРИ

Машҳур актёр Леонардо Ди Каприо виккинглар ҳақидаги Мел Гибсоннинг фильмида бош ролда ўйнамоқчи эмас. Radar-Online.com сайтида ёзилишича, Оксана Григорьева билан жанжал қилган ва унинг қизини урган режиссёрнинг фильмида суратга тушиш Ди Каприодек актёрнинг шаънига тўғри келмайди.

"Лео роль ижро этиш ёки этмаслик ҳуқуқига эга. Лекин Гибсон ҳам хашаки режиссёрлардан эмас", деб ёзади манба.



Сайтдаги хабарга актёр ҳам, режиссёр ҳам ўз муносабатини билдирмади. Фильмни суратга олиш шу йилнинг кузига мўлжалланган. Аммо унинг тақдири ҳозирча номаълум бўлиб турибди.

МУВАФФАҚИЯТЛИ АМАЛИЁТЛАР

АҚШнинг Калифорния штати марказида федерал ва маҳаллий полиция вакилларининг биргаликда ўтказган амалиётлари туфайли 1,7 миллиард долларлик марихуанна йўқ қилинди. Associated Press хабарида айтилишича, наркоплантациялардаги 432 туп наша ўсимлиги янчиб ташланди.

Шу билан бирга, мексикалик наркобаронлар билан алоқадорликда айбланиб 97 киши ҳибсга олинди. Уларнинг кўпчилиги келиб чиқиши бўйича мексикаликлардир. Уч кун давом этган амалиётларда 450 нафар полициячи иштирок этди.

Калифорния Шимолий округи прокурори Бенжамин Вагнер оғуфурушлар узоқ йиллик жазога тортилишини айтди. Уларга нисбатан гиёҳванд модда сотиш, муҳожирлик тўғрисидаги қонунларни бузиш ва халқ бойлиги ҳисобланган ер структурасини бузиш айблари билан жиноий иш очилди.

«ИНВЕСТИГЕЙТЕР» ТОПИЛДИ

BBC News тарқатган хабарда айтилишича, канадалик археологлар 1853 йили англиялик денгизчилар Арктика музликларида қолдириб кетган кемани топишди. «Инвестигейтер» деб номланган ушбу кема 25 фут чуқурликдаги (7,6 метр) сув тагидан топилган.

Ахборотда қайд этилишича, кема ясалган ёғочлар яхши сақланган. Тадқиқотчилар кема яқинидаги ердан 1853 йили уюштирилган экспедицияда қатнашган икки нафар британиялик аскарнинг қабрини ҳам топишди.

Роберт Макклура капитанлик қилган «Инвестигейтер» 1848 йили Арктикага бир неча йил олдин йўл олган сэр Жон Франклин экспедициясини излаб йўлга тушган.

«Инвестигейтер» кемасидагилар икки бор йўқолган экспедицияни излаб кўришади. Лекин 1853 йили ўзларининг кемаси ҳам музликлар орасида қолиб кетади. Шундан сўнг кемадагилар ортга пиёда қайтишга мажбур бўлади. Уларни Бирлашган қиролликнинг ҳарбий кемалари қутқариб қолади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ТАФСИЛОТ

ЗИДДИЯТНИНГ ИЛДИЗИ

Яқинда «Аргументы и факты» газетаси «Афғон оғуси» (№23) сарлавҳали мақолани эълон қилди. Унда ёзилишича, ўтган йили Россия героин истеъмол қилиш бўйича дунёда биринчи ўринни банд этган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Наркотиклар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси хулосасига кўра, ер юзида ҳар йили 345 тонна героин истеъмол қилинади. Шунинг 75-80 тоннаси россияликлар чекига тушади. Бу АҚШга нисбатан 3,5 баравар кўп дегани, Ҳолбуки, АҚШ аҳолиси Россияга нисбатан бир неча баробар кўп...

Ҳозир Россияда 2,5 миллион нафар гиёҳванд бор. Ҳар куни уларнинг сафига 220 киши қўшилади. Ва йил давомида 30 минг одам заҳри қотил тўрига илинади.

Шунингдек, газета аксилтеррор операцияларидан (2001 йилдан) сўнг Афғонистонда ҳар йили 375 тонна героин, 900 тонна опий етиштирилаётгани, бу эса дунё бўйича йилига 100 минг одамнинг умрига зомин бўлаётгани ҳақида ёзади. Шундан сўнг Москвада «Афғон наркобизнеси — жаҳон ҳамжамиятига қарши иддао» халқаро анжумани бўлишини, «Афғонистондаги мавжуд аҳволни ташвиш билан кузатаётган томонлар бу воқеага АҚШ ва НАТО раҳбарияти жавобгар эканини биргаликда эслатишини» таъкидлайди.

Афғон тарихини билмаганлар буни ўқиб, қандай хулоса чиқариши кундай равшан. Аслида ҳақиқат бошқача.

Хўш, Афғонистонда нега бундай чигал вазият юзага келган? Нега улар жаҳон ҳамжамиятига «иддао» қилмоқдалар?

XIX асрнинг бошларида Англия билан чор Россияси Шарқни истило этишга доир ҳаракатни бошлаб юборди. 1838 йили инглиз қўшинлари Афғонистонга ҳужум қилди. Тўрт йил давом этган уруш Англиянинг мағлубияти билан якун топди.

1878 йили Англия яна босқин уюштирди. Бу гал инглизларнинг қўли баланд келди ва Гандамак шартномаси имзоланди. Унга кўра, Афғонистоннинг ташқи сиёсати Англия назоратига ўтди...

Шундан сўнг, айниқса, XX асрда Афғонистонда кўпдан-кўп ғалаён ва курашлар содир этилди. Тарихчи олим Владимир Бойконинг таъкидлашича, совет ҳукумати билан Англиянинг бу диёр учун зимдан кураши ҳукмдорларга суиқасдлар, ҳукуматга қарши исён ва ҳарбий тўнтаришлар шаклида намоён бўлди.

1933 йили Муҳаммад Зоҳир Шоҳ давлат тепасига келди. У қирқ йил давомида мамлакатни мўътадил бошқарди. Бу даврда Афғонистон жаҳон ҳамжамияти билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатди. Кўплаб халқ хўжалик корхоналари, аэропортлар, каналлар ва йўллар барпо этилди. Шу тариқа умумафғон бозори шаклланди, бу эса миллий ҳамжиҳатликка пойдевор бўлди.

Англия ҳеч қачон Афғонистонда умидини узган эмас. Собиқ иттифоқ раҳбарлари ҳам уни ўн олтинчи республикага айлантиришни орзу қилиб келган. Шу мақсадда 1978 йилнинг 27 апрелида «Савр инқилоби» ташкил этилди. Барча тарихий манбаларда бу тўнтариш шўро хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан бир неча йил давомида тайёрлангани қайд қилинган. «Москванинг бевосита айғоқчиси Тарақий президент бўлди, — деб ёзади Игор Бунич. — Афғонистонга советларнинг минглаб маслаҳатчилари ёпирилиб кирди. Тарақийнинг коммунистик ҳукумати итоатсизларни отишга, масжидларни бузишга, эл-улусни талашга киришди. Оқибатда халқ исён кўтарди».

Мамлакатда ҳеч кимга шафқат қилинмади. Энг ёмони — беайб, бегуноҳ одамлар ҳам асоссиз отиб ташланди. Эски ҳасад-хусуматлиларга ўч олишга йўл очилди. Бу эса одамларни гуруҳларга бўлиб ташлашга, ички низо ва зиддиятларнинг кучайишига олиб келди.

Совет Иттифоқига қарши тараф мамлакат ҳудудида 150 та ҳарбий база ва лагерлар ташкил этди. Уларда ашаддий жангарилар тайёрлана бошланди. Мана шундай вазиятда, 1979 йилнинг 27 декабрида совет қўшинлари Афғонистонга бостириб кирди, унинг президентини ўлдирди ва мамлакатни истило қилди.

КПСС Марказқўмининг собиқ котиби Валентин Фаллиннинг ёзишича, бу вақтда «Бош котиб вазиятни соғлом баҳолай олиш салоҳиятидан маҳрум бўлиб қолган эди». Ҳолбуки, гап 25 миллионли афғон халқининг тақдири ҳақида борарди.

Уруш қарийб ўн йил давом этди. У икки миллион афғонистонликнинг умрига зомин бўлди. Шаҳар-қишлоқлар, саноат корхоналари, йўллар ва кўприклар вайрон этилди. Ясама сиёсат иймон-эътиқодни оёқости қилди. Бунинг бир мисоли сифатида 1983 йилнинг январида КПСС Марказқўми Афғонистондаги «Мусулмон руҳонийларининг реакцион қисмини мафкуравий яккалаб қўйиш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилганини эслаш кифоядир.

Уруш афғон халқи ҳаётини бузиб ташлади. Уч миллион киши Покистонга, икки ярим миллион аҳоли Эронга, яна қанча оила ўзга мамлакатларга ўтиб, қочқинликка юз тутди.

1989 йилнинг 15 февралида ўн минглаб аскаридан, бор обрўсидан айрилган совет қўшинлари Афғонистонни олов ичида қолдириб, мамлакатни ташлаб чиқди. Ўшанда Женева битимига кўра, СССР, АҚШ ва Покистон Афғонистондаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш кафолатини ўз зиммасига олган, урушаётган томонларга қурол-яроғ етказиб бермасликка қарор

қилган эди. Аммо амалда бундай бўлиб чиқмади. Чунки Афғонистонда айрим кучли давлатларнинг манфаатлари кесишади. Бировнинг уйига ўт қўйиб, унга исиниб роҳатланувчи тоифалар бор. Айнан шундайларнинг хоҳиш-иродаси зиддиятларнинг барҳам топишига монелик қилди.

1992 йилнинг апрелида мамлакатда коммунистик режим узил-кесил тугатилди, ҳокимият тепасига мужоҳидлар келди. Шундан сўнг Покистоннинг ўша вақтдаги Бош вазири Навози Шариф билан Саудия қироллиги махфий хизмати раҳбари Турки ибн Фейсал Қобулда учрашди.

«Известия» газетаси 1992 йилнинг 1 май сонида ёзишича, ўшанда Навози Шариф Афғонистон, Туркия, Эрон ва Марказий Осиё республикаларидан иборат Ислом давлатлари федерациясини ташкил этиш ғояси мавжуд эканини, уни Покистоннинг қўллаб-қувватлаши орқали мужоҳидлар амалга оширишини маълум қилди. Толиблар ҳаракати, ўша кезларда Ўзбекистонда содир этилган қонли хуружлар шу билан изоҳланади.

«Азия и Африка сегодня» журнали 2000 йилнинг февраль сонида ёзишича, толиблар даврида опий олиш 600 тоннадан 1400 тоннага ўсган!

Энди ўзингиз ўйланг: тинч ва осуда ҳаёт, яратувчилик иши ҳақида тасаввурга эга бўлмаган, жанггоҳларда улғайган одамлар нима билан машғул бўлсин? Қандай тирикчилик қилсин? Ва бунинг учун ким айбдор? Жафокаш халқнинг бошига тушган ситам ва жудолик учун, шафқатсиз зарбалар учун ким жавоб беради? Ким бу ўлкани халқаро терроризм ва наркобизнес ўчоғига айлантирди?

Бемаъни ғоялар, калтабин етакчиларнинг хомхаёллари ва дунёга ҳукмини ўтказаман деган бетайин истаклари Афғонистонда ҳаётни издан чиқариб, қабила ва қавмларни бирбирига ёв қилиб қўйди. Тараққиётни бўғиб ташлади. Мана, ўттиз йилдирки, бу мамлакат ҳамон нотинч...

Шу маънода афғон муаммоси Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитининг кун тартибидан мустаҳкам ўрин олиши табиий. Бу, шу ўлкан минтақада илдиз отган ҳар бир халқнинг фикр-ўйи, дарди-ташвиши. Шу боис, қўшни Афғонистонда низони бартараф этиш, қардош халқни тинч меҳнатга жалб қилиш учун холисона ҳаракат Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосларидан бирини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари 1993 йилнинг июнида Халқаро иқтисодий ташкилот сессиясида, ўша йилнинг июлида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги иккинчи учрашувида, ўша йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистондаги нотинч ва беқарор вазиятга эътибор қаратиб, бу нотинчлик бутун дунёга хавф солаётгани, келтириб чиқарадиган оқибатлари ҳали тўла англаб етилмаганини қайта-қайта уқтирди. **«Бу мамлакатда ўн миллионлаб одамлар очлик, қашшоқлик, вайронагарчилик шароитида яшамоқда, — дея таъкидлади Ислом Каримов. — Бундай шароит ижтимоий портлаш омили бўлиб, у фақат Марказий Осиё минтақасида эмас, балки бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликни ларзага солишга қодирдир».**

Орадан етти йил ўтиб, 2001 йилнинг 11 сентябрида Нью-Йорк ва Вашингтонда фавқулодда террорчилик тажовузлари содир этилди. Чиндан ҳам бу фожиа ўз кўлами билан бутун дунёни ларзага солди. Ёвузликнинг қаршисида қудратли давлатлар ҳам ожиз экани кундай равшан бўлди. Афғон героини ва опийси ҳақидаги хитоб ва даъватлар ҳам шунинг тасдиғидир.

Нега одамлар хавф солиб келаётган таҳдиднинг олдини олишга шошилмайди? Чунки улар бу ҳақда кам маълумотга эга бўлиб, асосан давлат раҳбарига ишониб яшайдилар. Давлат раҳбари эса Брежневга ўхшаб вазиятни тўғри баҳолай олмаслиги мумкин. Энг ёмони, Нюрнберг процессидан сўнг урушни келтириб чиқарган жиноятчилар жазосиз қолмоқда...

Ҳолбуки, Ўзбекистон раҳбари халқаро нуфузли анжуманларда Афғонистон орқали Ҳинд океани бандаргоҳларига чиқадиган темир йўл, Термиз-Карачи автомобиль йўли, нефть-газ қувурлари ва бошқа коммуникациялар бўйича кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш таклифини, бу миллионлаб афғонларни тинч ҳаётга қайтариб, меҳнат билан банд этишини, зиддиятли вазиятни яхшилашини қайта-қайта таъкидлаб, жаҳон ҳамжамиятини ҳамкорликка ундаб келади. Бу эзгу ният афғон халқи ҳаётида ўзининг амалий ифодасини топа бошлагани ҳам сир эмас.

Мамлакатимиз 2009 йилнинг апрелидан буён Афғонистон пойтахтини электр қуввати билан тўла таъминлаб келаётир. Ўзбек йўлсозлари «Мозори Шариф — Кобул» йўналиши бўйлаб 11 та замонавий кўприк барпо этишди, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Термиздан Мозори Шариф шаҳригача бўлган янги темир йўл тизимини бунёд этишмоқда. Шунингдек, Афғонистонни интернет тармоғи билан таъминлаш ҳақидаги битим амалга ошмоқда...

Давлатимиз раҳбари Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент саммитида Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича «6+3» тинчликпарвар гуруҳини шакллантириш ташаббусини илгари сурди. Ёдингизда бўлса, бу эзгу ҳаракат «6+2» шаклида 1997 йили бошланган эди. 1998 йилнинг 21 сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти котибиятида Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган «6+2» гуруҳи — Хитой, Ўзбекистон, Покистон, Эрон, Туркманистон, Тожикистон ҳамда АҚШ ва Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлари мақомидаги биринчи йиғилиш бўлиб ўтган. 1999 йил июлда, БМТ шафелигида гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб, унда «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари» (Тошкент Декларацияси) имзоланди.

Учрашув якунлари 28 июль куни БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлисида муҳокама этилди ва бу — афғон можаросини сиёсий йўл билан ҳал этиш борасидаги муҳим қадам, дея баҳоланди. Токи 2001 йилгача бу гуруҳ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида жиддий амалий фаолият кўрсатди.

Мана шундай бир пайтда Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатлари бошланди. Бугун мулоқот гуруҳида НАТО ваколатхонаси ҳам бевосита иштирок этишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда...

Давлатимиз раҳбарининг афғон ҳаётидан келиб чиқиб, илгари сурган фикрлари амалий тусга эга: афғон тарихи шундан далолат берадики, бу заминда куч ишлатиб, бир нимага эришиб бўлмайди. Масалага оқилона ёндашиш, ҳар бир миллат ва элатнинг ҳурматини жойига қўйиб, уларнинг бузиб ташланган ҳаётини тиклашга кўмак бериш ғоятда муҳим. Бу ёрдам беғараз бўлиши керак. Акс ҳолда, у кутилмаган аянчли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин...

Ҳар бир халқ ўзича бетакрордир. Афғонистон бундан ўттиз йил муқаддам уруш гирдобига тортилмаганида, афғон халқининг ғурури поймол этилмаганида, бу халқ, бу мамлакат ўз тараққиёт йўлидан қайтмас эди. Бугун у ҳеч кимдан кам бўлмаган бир халқ сифатида ўз ҳаётини ташкил этишга ҳақли...

Ғаффор ҲОТАМ

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

МИКРОСАРМОЯ – НАВОИЙЛИК ТАДБИРКОР ҚАНОТИ

"Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки тадбиркорларнинг ихчам, сердаромад ва ишончли лойиҳаларига микросармояларни сафарбар этиш билан вилоятларда кўплаб иш ўринлари яратилишига яқиндан кўмаклашиб келаяпти. Бундай яратувчанлик ишлари ғоят катта ҳудудга, табиий ресурсларга бой Навоий вилоятида ҳам кенг қулоч ёйгани ҳар қанча таҳсинга сазовор.

MIKROKREDITBANK

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони билан ташкил этилган ушбу микромолиявий ташкилот илк қадамларини ўз инфратузилмасини яратиш ва мамлакатимиз ҳудудларини микромолиявий хизматлар билан қамраб олишдан бошлаган эди. Айни пайтда республикамиз бўйича банкнинг 81 филиали, 267 мини банки ва кўплаб агентликлари ишлаб турибди. Жумладан, Томди, Зарафшон, Олот, Мўйноқ, Элликқалъа, Пахтаобод, Сўх сингари олис аҳоли пунктларида банк хизматлари биринчилардан бўлиб ташкил этилди.

Навоий вилоятининг истиқболи ғоят умидбахш. "Микрокредитбанк" ташкил этилганидан кейинги илк қадамлариданоқ ўзининг эътиборини мамлакатимизнинг ана шундай истиқболли вилоятларидаги қишлоқ ва овулларга қаратди. Навоий шаҳридан саҳро бўйлаб қарийб 300 километр ичкарига кириб кетадиган Томдига банкнинг мутахассислари ўша пайтлардаёқ қатнай бошлаган эдилар. Имтиёзли микросармоялар билан бу жойлардаги табиий ресурслар ва маҳаллий хомашёлардан бутун республикамизнинг аҳолисини бахраманд этиш, кичик корхоналар очиб, иш ўринлари яратишга кўмаклашиш учун учрашувлар, микросармоялардан яхши самаралар олиш борасидаги семинарлар ташкил этилганди.

Ушбу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ 2006 йилдан Томдидаги "Жигер" кичик корхонасида Фарида Муҳамедова қўй жунидан сифатли кийимлар тайёрлай бошлади. Шу корхона бундан бир неча йиллар илгари чўпонларнинг энг қулай бошпанаси — ўтов ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, бугун банк микрокредитлари ҳисобига Томдида ўнлаб янги сартарошхоналар ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий хомашёларни қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилди. Масалан, "Томди қоракўл пром инвест" хусусий корхонаси тери ошлашни йўлга қўйган. Бу ерда сифатли тери маҳсулотларидан пўстин ва телпаклар тайёрланмоқда.

Банк овуллардаги шарт-шароитни ўрганиб бу ерда яшаётган ҳар бир оила даврасига кириб борди. Банк ташкил этилганидан кейин Томди тадбиркорларининг яратувчилик фаолияти учун 7 миллиард сўмга яқин микросармоялар ажратди.

Навоий вилояти саноатни ривожлантириш учун ҳам қулай бўлган ҳудуд.Эркин индустриал иқтисодий зона айни шу ерда ташкил этилгани бунинг ёркин далилидир. Юртбошимиз ташаббуси билан эл фаровонлигини барқарор этиш йўлида яратилган бундай тадбирни қўллаб-қувватлаш учун банк барча имкониятларни ишга солмоқда. "Микрокредитбанк" ўтган йилнинг ўзида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 миллиард сўмдан ортиқроқ микромолиявий хизматлар кўрсатди. Шу туфайли вилоятда 8 минг 453 та янги иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ўзгаришлар туфайли тадбиркорлик ва яратувчилик ишлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, республикамизда 2010 йилда янги иш жойлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тадбиркорликни янада кенгайтиришни рағбатлантирмоқда. Ушбу дастурга асосан Навоий вилоятида жорий йилда 40321 та янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган. Бунинг учун вилоятда 1200 дан зиёд кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, уй меҳнатининг барча шаклларини, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва бошқа имкониятлар ишга солинмоқда.

2010 йилда янги иш жойлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш мақсадида "Микрокредитбанк" ОАТБнинг Навоий вилояти филиали аҳоли бандлиги борасида муаммолар мавжуд бўлган туманлар бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқди. Янги иш ўринлари яратиш нуқтаи назаридан банк томонидан Навбаҳор тумани ўрганиб чиқилди. Бу ерда тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича маҳаллий бошқарув идоралари билан келишилган ҳолда манзилли дастур тузилди. Аслида "Микрокредитбанк" ушбу туман тадбиркорлари билан бир неча йиллардан буён яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Тумандаги "Гипс Пиалто" фирмаси банкдан 16,5 миллион сўм миқдорида микросармоя олиб, ганчкорлик буюмларини ишлаб чиқара бошлади. Айни пайтда корхона ҳар ойда ишлаб чиқарган 10-15 миллион сўмлик маҳсулотларини нафақат туманда, балки Навоий ва Самарқанд шаҳарларида ҳам сотяпти.

Ўтган йилнинг ўзида Навбаҳор тумани тадбиркорларининг турли лойиҳаларини амалга ошириш учун банк қарийб 1 миллиард сўм ҳажмида кредитлар ажратди ва 780 та иш ўринларини яратишга ўз ҳиссасини қўшди. 2010 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига биноан банк бу туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун 1,6 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда сармоялар йўналтиришни ва мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратишни мақсад қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги "2009-2010 йилларда Навоий вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури» ҳамда жорий йил 3 февралдаги "2010-2012 йилларда Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштиришни тўғатиш бўйича ҳудудий Дастур" вилоятдаги яратувчанлик ишларига янгича қўлам ва суръат бағишлади. "Микрокредитбанк"нинг вилоят филиали бу жараёнга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Масалан, "Конимех парранда" фермер хўжалиги 14 миллион сўм микросармоя олиб товуқларни парвариш қила бошлади. Ҳар бири 56 миллион сўмдан сармоя олган "Кармана автосавдо" ва "Ниагара спорт" хусусий корхоналари аҳоли учун сифатли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади. Банк томонидан мижозларга берилган 607 миллион сўмлик микролизинг хизматлари эвазига 200 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тўрт мижозга 167 миллион сўм миқдорида берилган микрокредит ва микролизинг хизматлари эвазига 35 та янги ишчи ўринлари яратилган. Ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқаришдек муҳим соҳа учун ҳам микросармоялар йўналтирилди. Яъни тўққиз мижозга ажратилган жами 440 миллион сўм миқдоридаги микрокредит ва микролизинг хизматлари эвазига 146 та янги иш ўринлари барпо этилди.

— Банкимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаш учун ихтисослаштирилган молиявий ташкилот сифатида иш бошлади, — дейди банкнинг вилоят филиали раҳбари Юсуф Раҳимов. — Бизда барча микрокредит турлари тадбиркорликни бошлаш ва ривожлантириш учун мўлжаллаб ташкил қилинган. Тадбиркор, аввало, ўз режаларини амалга ошириши учун ташкил этаётган субъектининг мақомига кўра энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 200 баробаригача бўлган миқдорда, атиги 3 фоизли бошланғич сармоя олиши мумкин. Ишлаб чиқариш йўлга қўйилганидан кейин уни ривожлантиришга энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробарига қадар, Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган фоизларда микрокредитлар берамиз. Мижозимиз ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириб уни саноат асосига кўчирадиган бўлса, унга ғоят кам фоизлар билан лизинг хизмати кўрсатишимиз, замонавий техника билан таъминлашимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, тадбиркор ишини йўлга қўйганидан тортиб йирик ишлаб чиқарувчи бўлгунига қадар "Микрокредитбанк" билан ҳамкорлик қила олади ва унинг имтиёзли сармояларидан фойдаланиб, элимизнинг коригa ярайдиган маҳсулотлар, товарлар ишлаб чиқаради.

Тадбиркор ишларининг пировард натижаси, сўзсиз ички бозорларимизни қанчалик тўлдираётгани, ўз маҳсулотларини четга чиқараётгани билан белгиланади.

Банкнинг Учқудуқ тумани мижози "Рўзи-Хўжам" корхонаси вилоят ҳудудида мавжуд бўлган табиий хомашёдан ишлаб чиқараётган ош тузлари билан танилди. Банк бу корхонага 41 миллион сўмлик лизинг хизмати кўрсатиб, замонавий техника олиб берганидан кейин тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати ҳам ўзгарди. Корхона айни кунда барча стандартларга тўғри келадиган 3 хил турдаги йодланган ош тузи ишлаб чиқармоқда. Ушбу озиқ-овқат маҳсулоти бугунги кунда Навоий вилояти бозорларидан ташқари Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийси вилоятларига ҳам жўнатилмоқда.

Вилоятнинг Учқудуқ туманида фаолият кўрсатаётган "Бақожон" хусусий корхонаси тўғрисида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Файзулла Эшқобилов раҳбарлик қилаётган хусусий корхона вилоят марказидан 420 километр узоқликдаги ўзи жойлашган аҳоли пункти аҳлига 35 турдаги макарон маҳсулотларини етказиб бермоқда. Хусусий корхонага банк томонидан 40 миллион сўмлик микролизинг хизмати кўрсатилиб, замонавий техника билан таъминланганидан кейин бундай суръатга эришди.

"Зармитан Биосервис" хусусий фирмаси банкнинг Қизилтепа филиали билан ҳамкорлик қилади. Ўтган йили унга 10 миллион сўм миқдорида микросармоя берилган эди. Аҳолига сифатли савдо хизмати кўрсатиш билан шуғулланаётган фирма кредит қарзларидан қутулиб, Хўжа Ҳасан қишлоқ фуқаролар йиғини марказида замонавий хизмат кўрсатиш шоҳобчасини тиклаб, ўз фаолиятини кенгайтирди. Банк томонидан фирмага бу йил яна 10 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилди. Ҳозир бу ерда мижозлар учун яна бир қулайлик — пластик карточка билан савдо қилиш имкониятлари яратилди.

Амалга оширилаётган ишларни сарҳисоб этганда, шуни қомил ишонч билан айтиш мумкинки, банк 2010 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида кўзда тутилган марраларга эриша олади. Шуни таъкидлаш ўринлики, жорий йилнинг 5 ойи мобайнида вилоят тадбиркорлик субъектларига "Микрокредитбанк" ОАТБнинг Навоий вилояти филиали томонидан 3,5 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Банкнинг Навоий вилояти филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга аҳолига барча турдаги замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар аҳоли учун ҳар томонлама қулайликлар яратишга қаратилган. Жумладан, «SMS-банк", "Интернет-банк" хизматлари ишлай бошлади, уяли алоқа компанияларининг экспресс тўлов карточкаларини сотиш ҳамда "Paynet" электрон тизими орқали коммунал тўловларни қабул қилиш кенг кўламда йўлга қўйилган. Шахсий автотранспорт воситалари эгаларига қулайлик яратиш учун суғурта тўловлари ҳам банкнинг ўзида қабул қилинмоқда.

2010 йилнинг I чораги давомида халқаро пул ўтказмалари хизмати янада мукаммаллаштирилди. Жумладан, "Westrin Union", "Быстрая почта", "Migom", "Contact" сингари ташкилотлар билан алоқалар йўлга қўйилди.

Нақд пулнинг банкдан ташқарида айланишини кескин қисқартириш ва нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валютамиз барқарорлигини ошириш учун пластик карточкалардан фойдаланиш доирасини кенгайтиришда ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, пластик карточкалар ва терминаллар ёрдамида амалга ошириладиган ўтказмалар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бугунги кунга келиб вилоятда 10 минг донадан зиёд пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига 2009 йилнинг I чораги якунида 105 та терминал ўрнатилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилнинг I чорагига келиб 270 тани ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги "Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2009 йил якунлари бўйича республика тижорат банклари ўртасида ўтказилган танловда банкнинг Кармана филиали "Қишлоқ жойларида аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича 2009 йилнинг энг яхши филиали" номинациясида 3-даражали дипломга сазовор бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, банкнинг микросармоялари ҳар бир шаҳарга, қишлоққа кириб бормоқда. Бу ерда истиқомат қилаётган тадбиркорлар унинг ёрдамида рақобатбардош маҳсулотлар яратмоқдалар, аҳоли учун турли хизматларни таклиф этмоқдалар.

Банк матбуот хизмати ®

ТАЪЛИМ

Юксак тараққиёт пойдевори

Мамлакатимизда халқ таълими тизимига берилаётган юксак эътибор туфайли соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Узлуксиз таълим тизимининг жорий қилиниши эса таълим сифатининг янада ошишини таъминлади. Айниқса, таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратмаган ҳолда олиб бориш ўзининг самарасини бермоқда.

Бу ижобий ўзгаришлар бизнинг туманимизни ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда Учқудуқ туманида 20 та умумтаълим мактаби, 10 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та мусиқа мактаби ҳамда 1 та ўқувчилар ижодиёт маркази фаолият юритмоқда. Уларда 5850 нафар ўқувчи ва 630 нафар тарбияланувчига таълим-тарбия берилмоқда. Ушбу масканларда кўп йиллик тажрибага эга бўлган 496 нафар олий маълумотли, 174 нафар ўрта махсус, 33 нафар тугалланмаган олий маълумотли ўқитувчи ва мураббий турли фанлардан сабоқ бермоқда. Туманимиздаги умумтаълим мактабларининг 7 таси шаҳарда, 2 таси қўрғонларда ва 11 таси овулларда жойлашган бўлиб, ўқувчиларга таълим уч — ўзбек, рус ва қозоқ тилларида берилади.

Илғор педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш учун ўқитувчи етарли малакага эга бўлиши зарур. Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган, янги педагогик технологиялар асосида таълим-тарбия бериб келаётган ўқитувчиларни овулларда жойлашган мактабларга хизмат сафари билан юбориб, у ерда таълим олаётган ўқувчиларга самарали дарс ўтишлари таъминланмоқда. Овулдардаги ўқитувчиларнинг эса шаҳар мактабларига келиб дарс беришлари, бу ердаги ўқитувчилар билан ўзаро тажриба алмашишлари йўлга қўйилган.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда ижодиёт марказининг ҳам ўз ўрни бор. Бу ерда 1325 нафар ўқувчи ўз қизиқишига кўра 13 турдаги тўгаракларда ҳунар сирларини ўрганмоқда. Шунингдек, мусиқа мактабида 253 нафар ўқувчи миллий мусиқа сирларидан сабоқ олмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган тадбирлар режасига мувофиқ тумандаги 5-9-10-сонли мактабгача таълим муассасаларига туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ҳамда ҳомий ташкилотларнинг моддий кўмаги билан катта миқдордаги маблағ ажратилиб, уларда таъмирлаш ҳамда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу каби хайрли ишлар фақат МТМдагина эмас, ўқувчилар ижодиёт марказида ҳам амалга оширилмоқда. Ҳозирда ушбу масканда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Жаҳон тараққиёти банкининг моддий кўмаги асосида 15 та умумтаълим мактабларимизга янги русумдаги компьютерлар топширилди.

Ўқувчиларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг иқтидор ва қобилиятини тўғри йўналтира олиш таълим жараёнининг асосий мезонларидан биридир. Бу жараёнда эса кўрик-танловларнинг ўтказиб борилиши яхши самара беради. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ўқувчилар ижодиёт марказида «Зулфияхоним» ҳамда «Миллий ғоя ва мен» клублари ташкил этилди. Ўтган ўқув йили давомида тумандаги барча умумтаълим мактабларида «Энг яхши педагог», «Йилнинг энг яхши мураббийси», «Йилнинг энг яхши илмий раҳбари» танловлари ўтказилди. Уларда ғолиб бўлган ўқитувчи-мураббийларга фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди. 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида «Баркамол авлод — 2010" фестивалининг мактабларо босқичида ҳам кўплаб ўқувчиларимиз ғолибликни қўлга киритишди. Зардўзлик бўйича ўқувчилар ижодиёт маркази ўқувчилари ўртасида вилоят миқёсида ўтказилган кўрик-танловда бизнинг ўқувчиларимиз биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Бундан ташқари, Шимолий кон бошқармаси тасарруфидаги «Жавоҳир» спорт мажмуаси ҳам 2600 нафар ўқувчи-ёшлар ихтиёрида. Ушбу спорт мажмуасида спортнинг сузиш, футбол, енгил атлетика, оғир атлетика, кураш, шахмат, шашка, бадиий гимнастика, волейбол, дзюдо ва баскетбол турлари бўйича мунтазам равишда машғулотлар олиб борилади. Мазкур спорт мажмуасининг тарбияланувчилари вилоят, республика миқёсида, МДҲ мамлакатларида бўлиб ўтаётган кўплаб мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Хусусан, баскетбол бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган мамлакат биринчилигида ўқувчиларимиз биринчи ўринни эгаллаганликлари қувонарлидир. Шунингдек, Чирчиқ шаҳрида «Паур-Лифтинг» спорт тури бўйича бўлган мусобақада ҳам ўқувчиларимиз 1 та биринчи ўрин, 3 та иккинчи ўрин ва 1 та учинчи ўринни эгаллади. Россиянинг Псков шаҳрида бадиий гимнастика бўйича бўлиб ўтган халқаро мусобақада эса кўплаб давлатлар ўқувчилари орасида бизнинг шогирдларимиз фахрли учинчи ўринни қўлга киритишди.

Шулар ҳақида ўйларканмиз, Юртбошимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз ҳар бир соҳада ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигига амин бўламиз.

Марат ШОМУРОДОВ,
Учқудуқ туман халқ таълими бўлими мудири

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонун бузилишига, бюрократик тўсқинлик ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда

СИЗ — ТАДБИРКОРЛАР ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНГИЗНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги **"Ишонч телефони"** *рақамларига ёки* **007** *қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин:*

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти	Код: 8371 233-84-20
3	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 273-74-81
14	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари барча туман, шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули ташкил этилган. Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

"ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ" ТАНЛОВИГА

ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ТАРАҚҚИЁТИ

2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиздаги қишлоқ врачлик пунктларининг 1046 таси GSM ва CDMA стандартларидаги алоқа воситалари билан таъминланди

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигини тобора яқинлаштирмоқда. Кўнгилларда байрам шукуҳи, кўча-кўйда, каттакичик жамоаларда тантана тадориги ҳукмрон. Тўйга тўёна билан боришдек гўзал одатимизнинг амалий кўриниши бу.

Албатта, ўн тўққиз йил — тарих учун жуда оз муддат. Лекин шу қисқа вақт ичида Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида асрларга татигулик ишлар қилинди. Шу йиллар давомида юртимизда мисли кўрилмаган ислоҳотлар амалга оширилди, оламшумул ўзгаришлар юз берди. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган эзгу даъват ҳаётимизнинг шиорига айланди.

Жамиятимизнинг барча жабҳаларида рўй берган янгиланишлар, истиқлол берган имкониятлар ҳақида ҳаяжонсиз, тўлқинланмасдан сўз юритиш мушкул. Бу ҳақда гап очилганда, ўз-ўзидан ғурур жўш уради, қалб ифтихорга тўлади. Ва беихтиёр мустабид тузум даврида ким эдик, деган савол хаёлдан ўтади. Аслида шу савол бизни мустақиллик неъматларини қадрлашга ўргатади. Тақ-қос ва қиёс одилона хулоса чиқариш, холис баҳо бериш имконини яратади.

Келинг, фикрларимизни мамлакатимизда телефон тармоғининг ўн тўққиз йил аввалги ва бугунги тараққиёти мисолида солиштириб кўрайлик.

Ғарб мамлакатлари аҳолиси XIX асрнинг 70-йилларидан телефон алоқасидан фойдалана бошлаган. Бостон университети профессори Грэхем Белл 1876 йилнинг 14 февралида биринчи телефон аппаратига патент олгани тарихдан маълум. Орадан юз йил — бир аср ўтиб бу тизим дунёда шунчалик ривожландики, ҳар қандай масофадан алоқа боғлаш мумкин эди.

Лекин истибдод исканжасида эзилган юртдошларимиз бир аср аввал кашф қилинган ва жуда тараққий этган шу қулайликдан бемалол фойдалана олмасди. XX аср 70-йилларининг охири, 80-йилларининг бошидаги аҳволни кўз олдингизга келтириб кўринг. Ўзбекистонга алмисоқдан қолган АТСлар келтирилар, унинг ҳам "номер"лари чекланганидан уйга телефон тушириш учун йиллаб навбат кутиларди. Турли буйруқбозлик тўсиқлари эса энди навбати келган одамларни ундан воз кечишга мажбур қилган ҳолатлар ҳам тез-тез учраб турарди.

Бир амаллаб уйига телефон туширганларга ҳам ҳавас қилиб бўлмасди. Хонадонларга ўрнатилган телефонларга бақириб гапирмасангиз ҳатто қўшни маҳалладаги суҳбатдошингиз яхши эшитмасди.

Қишлоқлардаги аҳвол янада ачинарли эди. Чекка ҳудуд ёхуд олис овулларни кўя туринг. Тошкент шаҳридан, нари борса, юз чақирим келадиган қишлоқдаги қариндошингиз билан телефонда гаплашиш учун камида икки кун кетарди. Олдин телеграмма бериб, уни муайян вақтга туман марказига чақиртирасиз. Кейин АТСга бориб, боғлаб беришларини соатлаб кутасиз. "Линия банд", деган иборани эшитавериб асабларингиз қақшар эди.

Аммо айни шу пайтда ўзга юрт одамлари симсиз алоқа — мобиль телефонда сўзлаша бошлаганини "кутинг, кейинги ҳафта келинг" дегувчилар тушида ҳам кўрмагандир. "Motorola" компанияси раҳбари Мартин Купер 1973 йилнинг 3 апрелида Манхеттен кўчаларида юриб "сотка"да суҳбат қурган вақтда собиқ тоталитар тузум даҳолари оддий одамларни ҳатто симли телефон учун навбатга қўйишдан чарчамасди. Инсон қадри, унинг манфаатлари, қулайлик ва имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан иши йўқ эди. Қисқаси, телефон ихтиро қилинганидан то мустақилликка эришганимизча орадан роса 119 йил ўтди.

Ҳозир юқоридаги гаплар кўпчилик, айниқса, ёшлар учун эртакнамо ҳикоя бўлиб туюлади. Чунки истиқлол насимлари эса бошлагандан кейин барча соҳаларда бўлгани каби алоқа тизими, хусусан, телефон тармоғи тараққиётида мисли кўрилмаган янгиланишлар амалга оширилди. Меҳнаткаш ва фидойи халқимиз учун бир юз ўн тўққиз йил кечиктирилган имкониятлар саноқли йилларда юксак савияда яратилди.

Бугун хонадонларимизга энг замонавий телефонлар ўрнатилган. Сайёрамизнинг исталган нуқтаси билан уйингизда ўтириб бамайлихотир гаплашасиз. Ҳозир ҳеч ким гўшакни ушлаб, бақир-чақир қилмайди. Рақамли АТСлар, оптик толали телефон тармоғи жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради.

Биргина мисол: 2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиздаги қишлоқ врачлик пунктларининг 1046 таси GSM ва CDMA стандартларидаги алоқа воситалари билан таъминланди. Барча кириш қўнғироқлари бепул бўлган бу телефонлар энг замонавий алоқа воситаларидан саналади.

Телекоммуникация соҳасини реконструкция қилиш ва модернизациялаш натижасида юқори ўтказувчанлик салоҳиятига эга рақамли синхрон иерархия технологиялари асосида ўта сифатли ва барқарор ишлайдиган телефон тармоғи бунёд этилди. Бу тақдим этилаётган анъанавий хизматларни кенгайтириш, янги турдаги хизматларни жорий этиш, мобиль алоқа, маълумот узатиш ва Интернетдан қулай ва тезкор фойдаланиш бўйича замонавий инфратузилма ривожланишига туртки бўлмоқда.

Бугун Ўзбекистон телекоммуникация тармоғида ўтказилган магистрал оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлиги 13 минг километрдан ошди ва барча туманларни қамраб олди. Буларнинг бари истиқлол туфайли амалга оширилган ислоҳотлар натижаси эмасми?! Инсон азизлиги, манфаати устуворлигининг таъминлангани эмасми?!

Мобиль алоқа тизимидаги янгиликлар ҳам фақат мустақиллик сабаб ҳаётимизга кириб келди. Унинг юртимиздаги туғилган куни 1992 йил 26 август санасига тўғри келади.

Энди "сотка"сиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Оиламизнинг ҳар бир аъзосида мобиль телефон бор. Исталган дақиқада фарзандимизнинг қаердалигини билиш имконияти мавжуд. Ҳар куни хабар ололмайдиган ота-онамиз билан телефонда боғланиб кўнглимиз таскин топади. Улар ҳам нафақат фарзандининг овозини эшитгани, балки MMS орқали суратини кўрганидан, GPS хизматидан фойдаланиб, жонли тасвирда гаплашганда ёнида ўтиргандай тасалли олишади. Шундай имконият яратиб берганларни дуо қилишади.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "UzNet", "TShTT" ва "ТошТТС" филиалларида IP-телефония хизмати ҳам жорий этилди. Бу технологиянинг ўзига хослиги шундаки, компьютерда интернет орқали маълумот узатилади. Худди электрон почта (E-mail) сингари товуш ҳам рақамли маълумотга айлантирилади ва суҳбатдошга етказилади. Бошқача айтганда, IP-телефония — бу маълумот узатиш тармоғи бўйлаб товушни узатишдир. IP-телефония одатдаги телефон сўзлашувларидан 2-3 марта арзон технологиядир.

...Асад бобо қирқ йилдан ошиқ чўпонлик қилди. Олис яйловлар, кўз илғамас кенгликларда ойлаб юрарди. Оиласи, яқинлари билан тез-тез хабарлашишнинг имкони йўқ эди. Бугун унинг ишини фарзандлари давом эттираяпти. Бобонинг эса кўнгли тўқ, ўзи хотиржам. "Сотка" бор бўлсин. Катта ўғил қайси қирда, иккинчиси қайси адирда эканини билиб, аҳволидан хабардор бўлиб ўтиради.

— Илгари, билмайсизми, қаерда телефон бор, деб сўраб юрганлар кўп бўларди, — дейди Биби момо. — Ҳозир бундай савол умуман муомаладан чиқиб кетди. Чунки ҳамманинг уйида, қўлида телефон. Мана, шу "сотка"-ни шаҳардаги шифокор неварам бериб қўйган. Ишлатишни билмайман, рақам теришга кўзим ўтмайди, десам, кулади. Телефонга қараб, "дўхтир болам" десангиз бўлди, мени чақиради, дейди. Ростдан ҳам шундай. Лекин дадаси айтса ишламайди. Фақат менинг овозимни қабул қилади.

Момонинг телефонига невараси ҳар сафар рақам териш шарт бўлмаган "овозли чақирув" хизматини ўрнатиб берган экан. Қарияларимиз учун ажойиб қулайлик, шундай эмасми? Барча ислоҳотлар одамларнинг турмуш фаровонлиги учун эканлиги, бу муқаддас Ватанда энг аввало инсон азизлигининг кичик бир мисолдаги амалий кўриниши эмасми бу?!

— Мустақилликдан олдин юздан зиёд оила яшайдиган қишлоғимизда иккитагина телефон бор эди, — дейди Беруний туманидаги "Дўстлик" овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Тожигул Ўрозбоева. — Биринчиси раиснинг, иккинчиси дўкончининг уйида. Ҳозир-чи? Нафақат ҳар бир оила, балки унинг барча аъзоларига биттадан телефон тўғри келади. Иккита кўтариб юрганлар ҳам бор. Шундай имкониятлар яратилганидан қувонмай бўладими?!

Ҳа, мустақиллик берган имкониятни санаб адоғига етиб бўлмайди. Шу боис уларнинг қадрига етмоқ, авайламоқ, энг муҳими, дил-дилдан ҳис этмоқ ва, табиийки, шукрона келтирмоқ жоиз!.

Озод РАЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси

УЧРАШУВ

МУСТАҚИЛЛИК МАНЗАРАЛАРИ

Ҳаётга синчковлик билан назар ташласангиз, турли хил одамларга ва ибрат олса арзийдиган турфа воқеаларга дуч келасиз. Минг одамни кўриб, мингни таниб, хулосалар қиласиз, фикрингизни уйғотасиз. Фикр уйғонган жойда эса мулоҳазалар туғилади, дилда яхшилар сафида бўлишга иштиёқ кўз очади. Эрталабдан кечгача рўзғор ташвишидан бўлак нарсани ўйламайдиган одамдан фарқли ўлароқ, фикри бор инсон юрт, эл ҳақида ўз тушунчасига эгадир. Эл орасида яшаётган бундай одамлар ҳовлисида туриб юртни кўради, бўлаётган ишларга муносабат билдиради, фахрланиб яшайди, суҳбатидан ўзгаларни баҳраманд этади.



ЭГАЛИ ЮРТНИНГ ЖИЛҒАЛАРИ

Саидикром буванинг қизиқ одатлари бор. Боғда ва томорқада ишлатиладиган барча асбоблар — кетмон, белкурак, ўроқ, арра, хуллас ҳаммасининг юзига «С» ҳарфини ўйиб ёзади. Кеч бўлгач ишлатган асбобларини ювиб, тозалаб, бир чеккага осиб қўяди. Шунданми унинг асбобларини сўраб чиққан қўни-қўшни доимо раҳматини айтиб кетади, асбоблар адашмай жойига қайтиб келади. Гоҳо қизиқ-қанлар бувадан сўраб қўядилар: «Кетмон билан аррага ёзиб қўйиш шартми, бува, адашиб кетармиди?» У эса дарров жавоб топади: «Эгали буюм эгали-да, болам. Унинг эгаси Саидикром буванг эканини ҳамманинг билиб қўйгани яхши...»

Оддий бир воқеадан мингта мулоҳаза, мингта ибрат олса арзийди. Ҳамма нарсанинг эгали бўлгани маъқул. Эгали нарса бирон жойда зор бўлиб ётмайди, хор бўлмайди.

Бу тушунчанинг қамровини кенгроқ олсангиз, 19 йилдан бери эгали юртда яшаб келаётганимиздан фахрланамиз, ифтихор қиламиз. Эгали юртда элнинг топган энг катта қувончи — Тинчиликдир! Ота-бобомиздан қолган бир гап бор: «Оч бўл, тўқ бўл — тинч бўл!» Чиндан ҳам тинч бўлсанг, топган насибанг томоғингдан ўтади, еганинг-ичганинг татийди.

— Юрт тинч бўлгани учун ҳам фаровонлик ҳукмрон. Шу боис болаларимиз келажагига мустаҳкам пойдевор қўйилаяпти, — дейди маҳалламиз оқсоқоли Рўзибой ака Деҳқонов.

Оқсоқол ҳақ гапни мисолларга қўшиб айтди. Унинг маҳалласида 2 та мактаб, битта коллеж, битта гузар, тўртта савдо дўкони ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Қизиғи шундаки, ҳаммасида ҳаёт қизғин, ҳаммасида одам қайнайди. Худога шукур, одамлар тўйлар қилишаяпти, уйлар қуришаяпти. Ниятни катта қилган халқмизда!

Эгали юртнинг эгали оиласи бор. Чунки тарбия эгали оиладан бошланади, у ерда ҳурмат-иззат илдиз отади, Ватанга муҳаббат уйғонади. Ўғиллар ақлли ва мард бўлса ёвга қарши туришга ярайди, бунёдкорликларнинг бошида бўлади. Қизлар ҳаёли ва уддабурон бўлса ишга рўзғорга ярайди. Дарвоқе, ҳалол меҳнат дарслари фақат эгали хонадонлардагина ўтилади, нима мумкину нима мумкин эмаслиги тушунтирилади.

Болалигимиздан қўлимизни кўксимизга қўйишни, катталарнинг олдини кесиб ўтмасликни, ўзгалар маъракасида елкадошлик қилишни, муҳтожга кўмак беришни фақатгина эгаси бор хонадон соҳиблари ўргатишади. Бўйи-басти кўриниб, елкалари кенг бўлиб бораётган мустақиллик йилларида бу қадриятлар яна ҳам ёруғ тортди. Оилада истиқлол ҳақида гурунглар қизиди. Миллат гўё қайтадан уйғонди, куч-ғайрат кўпчиди, орзу болалади.

ЭР ЙИГИТНИНГ ДАВЛАТИ ЭЛИДА БЎЛАР

Баҳор кунларининг бирида олдимга қўшни маҳалладан бир йигит келди. Унинг отаси билан қадрдон эдик, тўйга айтиб келибди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, хатти-ҳаракатлари қатъий, муомаласи ширин бу йигитдан: «Хизмат қаерда?» — деб сўрадим. У эса кулиб: «Отамнинг касбни давом эттираяпман, ака, хусусий корхонам бор», — деди. Аввалига тушунмадим, чунки отасининг елкасидан бир умр кетмон тушмаган. Ҳайронлигимни тушуниб, сумкачасидан иккита бежирим пакет олди. «Сизга бир кўрсатай деб олиб келгандиму, сал тортиниб турувдим. Ўзингиз сўраб қолдингиз...», — дея олдимга қўйди. Турли ёзув ва суратлар билан безатилган бу елим халтачаларда нима бор экан, деб бировини очсам, ерёнғоқ мағзи! Шундагина гап нимадалигини англадим.

...Ўтган асрнинг 80-йилларида бу йигитнинг отаси Абдуманнон хўжаликда оддий сувчи бўлиб ишларди. Шу одам қишнинг бекорчи кунларида Россиянинг Томск деган шаҳрида бир стакан ерёнғоқ фалон пул экан, деган гап топиб келди. Кўп ўтмай Абдуманнон ака маҳалласидаги бир йигит билан маслаҳатлашиб, икки чемоданга ерёнғоқ ғамлаб, сафарга отланишди. Хуллас, улар беш-олти сўм фойдаси бола-чақага бўлсин, деган ўйда бир амалаб Томскка етиб боришади. Савдо айни қизиганда уларни милиция ходимлари ушлаб, «спекулянт» (чайқовчи) деб бўлимга олиб кетишади.

Шу сабаб бўлиб, Абдуманнон ака 4 йил Сибирда қамоқда ўтирди...

Хаёлимни тўйхат олиб келган йигит бузди:

— Ҳозир маҳсулотларимиз бешта давлатга экспорт қилинаяпти. Бу — чиқараётган маҳсулотларимиздан биттаси, ака. Хуллас, тўйга ўтинг, отам сизни кўриб, хурсанд бўладилар...

Мен у билан илиқ хайрлашдим. Шууримда бир сўз уйғонди: Истиқлол, нақадар буюксан! Сен туфайли оталар кўрган қора кунлар оппоқ тонгларга айланди.

Истиқлол тадбиркорга имкон берди, қонунлар яратди, сендан фақат куч-ғайрат бўлса бас, деб елкасига қоқиб ҳам қўйди. Шунинг учун ҳам ёшларимизда тадбиркорликка бўлган ҳавас кучайиб бормоқда. Бу ҳавас юртни қудратли, элни бой, оилани эса мустаҳкам қилади.

Мақоламиз бошида ҳикоя қилганимиз Саидикром бува яқинда янги ишкомбоп нарвон сотиб олиб, унга «С-19» деб тамға босибди. Ўғиллари ҳайрон бўлиб: «Исмингизнинг бош ҳарфини биламиз, 19 рақами нимани билдиради», — деб сўрашибди. Бува тушмагур хотиржамлик билан: «Ёшимни ёзиб қўйдим», — дермиш. Келаси йил отахоннинг 80 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган ўғиллар бундан янада ҳайрон бўлишибди. Бува эса: «Болаларим, шундай улуғ замонни кўрганимга, кўзимнинг очилганига 19 йил бўлди, мен йигитдайман», — дебди.

Ҳамид НОРҚУЛОВ,
журналист

ОАКБ «УЗПРОМСТРОЙБАНК»

объявляет конкурс на приобретение 25 сканеров с конфигурацией HP Scanjet G 2710.



Ваши коммерческие предложения просим предоставить в срок до 09.08.2010 г. по адресу: г. Ташкент, ул. Шахрисабзская,3.

Справки по телефону: 120-45-03, 120-45-60.

ТАРИХ ВА БУГУН

ЖАҲОНИЙ ЭЪТИРОФ ҚОЗОНГАН АЛЛОМА

Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий... Курраи заминнинг бирон-бир гўшасида **«Ҳадис илмининг султони», «Бутун дунёнинг имоми», «Барча муҳаддисларнинг пешвоси»** деган ўта шарафли рутбаларга муяссар бўлган бу табаррук зотнинг номини эшитмаган киши бўлмаса керак. Қадим Бухорои шарифда таваллуд топган буюк ватандошимиз аҳли иймон ва умуман бани башарга қолдириб кетган беқиёс ва бебаҳо мерос — жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадислари йиғилган нодир дурдона — «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ёки «Саҳиҳ ал-Бухорий» асари ислом динида Аллоҳнинг каломи — Қуръони каримдан кейин турадиган иккинчи асосий манба ҳисобланади. Мана қарийб ўн икки асрдирки, бу мўътабар асар бутун башарият қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, рушду ҳидоят йўлларига чорлаб келаётир.

Мағрибу Машриққа донғи кетган буюк аллома — азал-азалдан илму ирфонга макон заминимиздан — кўҳна Туркистондан етишиб чиққанлигидан ҳаққоний равишда фахрланган ҳолда қалбимиз чексиз фахр-ифтихор ва қувончга тўлиши табиийдир. Ҳеч бир иккиланмасдан баралла айтиш мумкинки, Имом Бухорий ҳазратлари бизнинг довруғимизни жаҳон узра достон қилиб, дунё борича, то қиёматгача бошимизни баланд кўтариб кетдилар. Шу боисдан ҳам ер юзининг қай бурчагига бормайлик, биз ўзбекистонликларга имом ал-Бухорийнинг ватандошлари, набиралари — Бухорийлар деб алоҳида ҳурмат эътибор билдириб, камоли эҳтиром билан қарайдилар. Гўё мусулмонлар Маккаи мукаррамани зиёрат қилишга интилганидек, хориждаги мўмин-мусулмонлар, ҳаётларида лоақал бир мартагина бўлса-да, Имом Бухорийнинг табаррук мақбараларини зиёрат қилишни орзу қиладилар.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, мустақиллигимиз шарофатидан кўплаб алломаларимиз қатори Имом Бухорий ҳам ўз эли ва юрти бағрига қайтиб келди. Унинг ибратларга тўлиқ ҳаёт йўли ва бой илмий маънавий мероси ҳар томонлама ўрганилиб, асарлари ўзбек тилида чоп этилмоқда. Бундан қарийб 16 йил муқаддам — 1994 йилда Самарқандда Имом Бухорийга бағишланган катта халқаро анжуман ўтказилган эди. Шундан кейин 1997 йилнинг апрель ойида Вазирлар Маҳкамасининг муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов имзо чеккан 217-сонли қарорига кўра 1998 йилда Имом Бухорий ҳазратларининг таваллудига 1225 йил (ҳижрий ҳисобда) тўлиши мамлакатимизда кенг кўламда нишонланди. Қарорда аллома яшаган давр, унинг ҳаёти ва бетакрор меросини илмий асосда ҳар томонлама теран ўрганиш, кўпгина нуфузли ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар олимлари иштирокида Самарқанд шаҳрида «Имом Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуида йирик халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш ҳамда Имом Бухорий мақбараси ва масжидини таъмирлаб, замонавий, бетакрор муҳташам ёдгорлик мажмуини барпо этиш каби муҳим ишлар қайд этилган эди. Мана шу том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган қарор бандлари тўла-тўкис амалга оширилиб, буюк бобокалонимизга тарихий мақомларига яраша ҳурмат эҳтиром кўрсатилди. Энг муҳим ишлардан бири давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида Имом Бухорийнинг Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида жойлашган мақбараси замонавий, бетакрор шарқона услубда батамом қайта қурилиб, мусулмон оламининг энг табаррук зиёратгоҳларидан бирига айланди. Алломанинг номини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган ушбу ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида муҳтарам Юртбошимиз: "Имом Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир.



Олти буюк муҳаддиснинг иккинчиси ҳисобланган Имом Муслим ҳам ал-Бухорийга қарата: "Эй, устозларнинг устози, муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!" дея қилган хитоби аҳли исломнинг улуғ бобомизга ҳурмат ва эътирофи нақадар юксаклигини кўрсатади", — деб эҳтиром кўрсатган эдилар.

Алломанинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғийра ибн Бардазбеҳ ал-Жуъафий ал-Бухорий бўлиб, ул зот ҳижрий ҳисобда 194 йил шаввол ойининг 13 кунида (810 йил 21 июль) Бухоро шаҳрида таваллуд топган.

Имом Бухорий ёшлигидаёқ отаси вафот этиб, онаси тарбиясида ўсади. Болалигидан ақл-идроклиги, ўткир зеҳнли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлган, турли илм-фанларни, айниқса, Пайғамбаримиз ҳадисларини алоҳида меҳр ва зўр қизиқиш билан эгаллайди. Манбаларда кўсатилишича, у ёшлик чоғидан бошлаб ўз юртидаги турли ровийлардан эшитган ҳадисларини, шунингдек, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Марвазий ва Вакийъ ибн ал-Жарроҳ каби олимларнинг ҳадис тўпламларини ёдлаган, устози шайх Дохилий билан ҳадис ривоятчилари ҳақидаги қизғин баҳсларда қатнашган.

825 йили ўн олти ёшли ал-Бухорий ўз онаси ва акаси Аҳмад билан Ҳижозга, ҳаж зиёратига йўл олади. Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварани зиёрат қилиб, ҳаж ибодатини адо этади. Шундан кейин онаси ва акасини Бухорога қайтариб юбориб, ўзи эса олти йил Ҳижозда қолиб, ҳадис илмидан астойдил таълим олади. У ўз билимини ошириш мақсадида ўша пайтларда илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларида яшаб, машҳур олимлар даврасида илмий баҳслар, мунозараларда қатнашиш билан бирга илм толибларига ҳадис илмидан дарс ҳам беради. Зотан, буюк муҳаддис таъбири билан айтганда "Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмаган".

Имом Бухорий ўз фаолияти даврида кўплаб олимлардан ҳадис бўйича таълим олади. Бу хусусда алломанинг «Мен ҳадисларни бир минг саксон муҳаддисдан ёзиб олганман», — деган фикрини келтириш кифоя. Унинг машҳур устозларидан Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ғартобий, Убайдулла ибн Муса ал-Абасий, Абу Бакр Абдулла ибн аз-Зубайр, Ал-Ҳамийдий, ибн Роҳвайҳ номи билан машҳур имом Исҳоқ ибн Иброҳим, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн ал-Мадийний ва бошқа машҳур олимларни кўрсатиш мумкин.

Ўз навбатида Имом Бухорий ҳам кўпгина шогирдларга устозлик қилган. Исҳоқ ибн Муҳаммад ар-Рамозий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий, Муҳаммад ибн Халиф ибн Қутайба, Иброҳим ал-Ҳарб, Муҳаммад ибн Абу Исо Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Муслим ибн ал-Ҳажжож каби етук олимлар унинг шогирдларидан бўлган. Имом Бухорий нафақат йирик олим бўлган, балки ўзининг гўзал хулқ-атвори, одамохунлиги, пурҳиммати ва айниқса, беқиёс даражадаги саховати билан бошқалардан тамомила ажралиб турган. Аллома зеҳни ўткирлиги, қувваи ҳофизаси ва ёдлаш қобилиятининг ақл бовар қилмайдиган даражада кучлилиги билан илм аҳли орасида ғоятда шуҳрат қозонган. Манбаларда Имом Бухорийнинг 600 минга яқин ҳадисни ёд билганлари таъкидланади.

Имом Бухорий хорижий эллардан қайтгач, ўз ватани Бухорода кўплаб шогирдлар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ бериш билан машғул бўлади. Баъзи бир ҳасадгўй, қора ниятли кишилар эса Имом Бухорийни кўролмас эдилар. Ҳасадгўйларнинг найранглари туфайли Имом Бухорийнинг Бухоро амири Холид ибн Аҳмад Зуҳлий билан муносабати бузилиб қолади. Бунга яна бир сабаб амир олимдан хузурига келиб, унга ва фарзандларига «ал-Жомеъ ас-саҳийҳ», «Ат-Тарих» китобларини ўқиб, сабоқ беришини талаб қилади. Лекин Имом Бухорий: «Мен илмни хор қилиб, уни ҳокимлар эшиги олдига олиб бормайман, кимга илм керак бўлса, ўзи изласин. Оллоҳ таоло илмни яширмай, уни толибларга сарф қилганим учун охират куни мени мағфират тутади», деган жавобни айтади. Амирга бу жавоб ёқмай, фитначи кимсаларнинг гапига кириб, Имом Бухорийга шаҳардан чиқиб кетишни буюради. Шундан кейин Имом Бухорий Самарқандга томон йўл олади ва бирмунча муддат шаҳар яқинидаги Хартанг қишлоғида ўз шогирдлари, қариндош-уруғлариникида яшаганидан кейин касалга чалиниб, ҳижрий 256 йил (милодий 870 йил 1 сентябрь) 62 ёшида вафот этади ва шу ерга дафн қилинади. Мустақиллик шарофати билан батамом қайта қурилиб, обод қилинган алломанинг муҳташам ёдгорлик мажмуаси ҳозирги вақтда барча мўмин-мусулмонлар учун табаррук зиёратгоҳ сифатида қадрланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 23 майда қабул қилинган "Имом Бухорий халқаро марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам мустақил юртимизда буюк муҳаддиснинг ҳаёти ва беназир, оламшумул аҳамиятга эга бўлган улкан илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш йўлидаги амалга оширилаётган ишларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг улкан меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, азалий миллий қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш, ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, имон-эътиқодини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ушбу марказ дунё илм-фанида алоҳида ўрин тутади.

Эзгу мақсад йўлида Президентимиз қарори билан ташкил этилган мазкур марказ фаолиятида юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзида ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ этиш, улардан маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш учун зарур дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш юзасидан доимий иш олиб бориш, имом ал-Бухорийнинг бетакрор мероси асосида диний ходимларнинг билим ва тажрибаси, касб малакасини ошириш бўйича ўқув-услубий ишлар йўналишлари муҳим ўрин тутади.

Ўтган вақт мобайнида ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, барча зарур чора-тадбирлар кўрилди. Аввало, Юртбошимиз қарори қабул қилинганидан кейин қисқа фурсатда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси яқинида халқаро марказ учун замонавий, барча қулайликларга эга бўлган икки қаватли кўркам бино қад ростлади. Бу масканда марказ илмий ходимлари ва тингловчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Мажлислар зали, ўқув хоналари, ахборот-ресурс маркази, компьютер хонаси бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланди. Шунингдек, хорижий мамлакатлар ва юртимизнинг турли ҳудудларидан келадиган меҳмонлар, олимлар учун 10 та замонавий, икки қаватли коттежлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Марказда юртимиздан етишиб чиққан буюк ҳадисшунос алломалар ҳаёти ва меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, улардан кенг халқ оммасини баҳраманд қилиш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Ҳадисшунослик ва манбашунослик бўлимларининг илмий ходимлари исломий илмлар, айниқса, ҳадис илми ривожига салмоқли ҳисса қўшган алломаларимиз меросини ўрганиб, янги маълумотлар тўпламоқда. Ўтган йили марказ томонидан "Буюк алломаларимиз" рукни остида ўн икки нафар аллома ҳаёти ва илмий меросига оид мухтасар маълумотлар баён этилган рангли плакатлар нашр этилди ва у юртимиздаги таълим муассасалари ва тегишли ташкилотларга тарқатилди. Имом Бухорийнинг ибратли ҳаёт йўли ва беназир илмий-маънавий мероси ҳақида турли даврларда ёзилган тарихий асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Шулар жумласидан, ҳиндистонлик машҳур олим, шайх Абдусалом Муборакфурийнинг бир юзу олтмишдан ортиқ ёзма манбаларга таяниб араб тилида битилган "Сийрат ал-Имом ал-Бухорий" номли қимматли асари ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилиши буюк алломанинг ҳаёти ва бой илмий-маънавий меросини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Бу улуғ зот ҳаёти ва фаолиятига оид янги маълумотлар жамланган, мустақиллик йилларида юртимизда Имом Бухорий меросини ўрганишга қаратилган, ул табаррук зотга юксак эҳтиром баён этилган "Ҳадис илмининг султони" китобини йигирма беш минг нусхада нашр этилиши маънавий ҳаётимизда алоҳида ўрин эгаллайди. Бундан ташқари саккизинчи асрда Моваро-ннаҳр диёридан етишиб чиққан буюк муҳаддис Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийнинг (736-798) ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини, айниқса, унинг юксак инсоний фазилатларини батафсил баёнига бағишланган суриялик олим Муҳаммад Усмон Жамолнинг асари ҳам араб тилидан таржима қилиниб, нашр этилиши кенг халқ оммаси, айниқса, ёшларнинг маънавий камолотини юксалтиришга хизмат қиладиган манбалар сирасига киради.

Айни пайтда "Ўзбекистон — буюк алломалар юрти" китобини нашр этиш ишлари якунланмоқда. Ушбу китобда элликка яқин алломалар ҳаёти, илмий-маънавий мероси ҳақида атрофлича маълумот берилади. Яқинда "Мутафаккирларимиз" рукнида ўндан зиёд буюк аждодларимиз ҳақида тайёрланган чўнтакбоп ихчам рисолалар нашрдан чиқади. Ушбу тўпламдан барча ёшдаги китобхонлар кенг кўламда фойдаланишлари учун рисола кирилл ва лотин алифболарида тайёрланди. Токи — халқимиз, хусусан, ёш авлод буюк бобокалонларимизнинг инсоният тафаккури тараққиёти, дунё илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида кенг маълумотга эга бўлсин. Марказ томонидан мунтазам нашр этиб келинаётган "Имом Бухорий сабоқлари" журналида ҳам алломаларимиз меросини ўрганиш борасидаги илмий изланиш ва тадқиқотлар, ҳозирги давр учун муҳим бўлган долзарб мавзуларда, хусусан, ёшлар таълим-тарбияси ва маънавий камолотига оид материаллар мунтазам чоп этилмоқда. Интернетда марказ веб-сайти ташкил этилган бўлиб, унга доимий равишда янги маълумотлар жойлаштириб борилмоқда. Бундан ташқари, республикамизнинг қатор олий ўқув юртлари, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда бугунги кун учун долзарб мавзуларда илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда, таълим муассасалари, маҳаллаларда кенг аҳоли қатлами билан учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, динимизнинг асл мазмун-моҳияти, дин ниқоби остидаги турли оқим ва йўналишларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш бўйича тарғибот ишлари олиб борилаётир.

Убайдулла УВАТОВ,
Имом Бухорий халқаро маркази директори,
тарих фанлари доктори, профессор

СПОРТ

ШАХМАТЧИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Испаниянинг Ситжес шаҳрида 120 нафардан зиёд шахматчи иштирок этган «Vila de Sitges» халқаро турнирида ҳамюртимиз Алексей Барсов иккинчи ўринни эгаллади.

Ватандошимиз турнир давомида мезбон шахматчилар Сарто Рамос Ангел, Лайола Ориол, Енрике Фернандес, чилилик Луиз Рохас, кубалик Арян Перез Гонсалесни енгиб, мексикалик Хосе Гарсия Гонсалес ва арманистонлик Карен Мовсесьян билан дуранг ўйнади.

Тўққизинчи турда германиялик Маркус Ламмерсга қарши оқ доналарда ўйнаган А.Барсов рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва етти очкони қўлга киритди.

АЛЬБИНА ХАБИБУЛИНА ҒОЛИБ

Қозоғистонда теннис бўйича хотин-қизлар ўртасидаги мусобақанинг жуфтлик беллашувларида муваффақиятли қатнашган Альбина Хабибулина бош совринни қўлга киритди.

Бош соврин учун ўтказилган ҳал қилувчи беллашувда украиналик Юлия Бейгельзимер ва британиялик Эмили Веблей Смит билан куч синашган Альбина Хабибулина ва Ксения Палкина жуфтлиги учрашувни 6:4, 6:4 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

«ЛИВЕРПУЛЬ»ГА ХИТОЙЛИК ХАРИДОР

Британиянинг The Guardian газетасининг ёзишича, хитойлик бизнесмен Кеннет Хуан Англиянинг номдор футбол клубларидан бири — «Ливерпуль»ни сотиб олмоқчи. Кеннет Хуан мазкур жамоанинг Royal Bank of Scotland банкидаги 237 миллион фунт стерлинг (286 миллион евро) миқдоридаги қарзини тўлаб беришга ваъда берган.

Кеннет Хуан «Ливерпуль» футбол клубига 2008 йилда биринчи марта қизиқиш билдирганди. Ўшанда ҳам у клубни сотиб олмоқчи бўлган эди. Бироқ жамоа раҳбарлари билан нарх масаласида бир тўхтамга келиша олмаганди. Кеннет Хуан клубни 350 миллион фунтга баҳолаган бўлса, жамоа хўжайинлари америкалик Том Хикс ва Жорж Жиллетт 650 миллион фунт сўрашган эди.

Бундан бироз вақт олдин Жорж Жиллет клубнинг сотилиши борасида суриялик тадбиркор Яҳё Кирди билан музокаралар олиб бораётганди. Аммо унга Кеннет Хуаннинг таклифи фойдали бўлиб туюлмоқда. Шу боис Яҳё Кирди билан алоқаларини буткул узди. Агар америкаликлар Кеннет Хуаннинг таклифига рози бўлишса, улар клубнинг сотилишидан фойда кўришмайди. Жамоа нархланган пул фақат унинг қарзларига етади.

МУСОБАҚАЛАРДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида 2008 йилги жаҳон чемпиони россиялик Максим Шейко допинг қабул қилганликда айбланмоқда. Бу ҳақда «Весь спорт» ахборот тарқатди. Допинг текшируви натижасида спортчини метандростенолон моддасини истеъмол қилгани маълум бўлган.

Максим Шейкодан допинг-текширув 2010 йил 3 июлда, яъни Россия чемпионати вақтида олинганди. Мазкур мусобақада у 105 кг. вазн тоифасида силтаб кўтариш баҳсларида учинчи ўринни эгаллаганди.

Россия антидопинг агентлиги томонидан Максим Шейко ҳар қандай ўқув-йиғин машғулотлари ва мусобақалардан вақтинча четлатилди. Аммо якуний қарорни Россия оғир атлетика федерацияси эълон қилади.

L'EQUIPE ГАЗЕТАСИ СУДГА БЕРИЛДИ

Футбол бўйича Франция терма жамоасининг аъзоси Н.Анелька Францияннинг L'Equipe газетасини туҳмат қилганликда айблаб судга берди.

Гап шундаки, L'Equipe нашри жаҳон чемпионати пайтида Мексика жамоасига қарши биринчи учрашувда Н.Анелька бош мураббий Раймон Доменекни ҳақорат қилди, деб ёзган эди. Футболчининг фикрича эса бу бўрттиришдир. Бу ҳақда Associated Press маълумот тарқатди.

Газетада мазкур мақола эълон қилинганидан кейин Франция терма жамоасидан Анельканинг номи ўчирилган эди. Шундан сўнг терма жамоанинг барча футболчилари бойкот эълон қилишганди. Жамоа сардори Патрис Эвра эса Н.Анелька ва Раймон Доменеклар ўртасидаги келишмовчиликни журналистга маълум қилган кишини ҳайдаб юбориш кераклигини айтганди. Бу шахснинг кимлиги ҳозиргача маълум эмас.

L'Equipe газетаси сайтидаги маълумотга кўра, Анельканинг даъво аризаси фақат жорий йилнинг кузидагина кўриб чиқилиши мумкин.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади

БАДИА

Кўникиш азоби

Ҳаёт нақадар кулгили...

Бир аёлни минг бир дардга қўйиб, дунёга келасан. Дод солиб, фарёд уриб туғиласан. Аммо нега? Жавоб битта: эл қатори. Туғилиш керак бўлгани учун. Уриласан, суриласан, улғаясан. Нега? Табиат қонуни. Ақлингни таний бошлашинг билан орзу қила бошлайсан. Аввал ўйинчоқларинг, чиройли кийимларинг кўп бўлишини хоҳлайсан. Кейин эса улканроқ мақсадлар сенга тинчлик бермайди. Ўқиш, иш, турмуш, бойлик, мансаб, обрў... Аммо нега? Ўзинг ҳам билмайсан.

Бу орада вақт ўтаверади. Йўқ, ўтмайди, айланаверади. У сени умр деган гоҳо ширин, гоҳо аччиқ неъматнинг баҳор, ёз, кузларини саёҳат эттириб, яна гўдаклик чоғингга қайтаради. Худди ўша шир ялангоч гўдаклик чоғингга. Худди ўшанда дод уриб йиғлаганинг каби яна йиғлайсан. Сафар ниҳоясига етмоқда. Нега? Эл қатори. Ўлиш керак бўлгани учун. Дунё сафарининг ниҳояси шундай бўлишини олдиндан билганлар эса ё инфаркт бўлади ёки инсульт. Барибир қонун — ўзгармас!

Бошинг қотади. Бир пайтлар вақт тулпорини қамчилаб-қамчилаб, тезроқ югуришга мажбур этардинг. Бугун эса унинг жиловини маҳкам тортиб турибсан. Аммо бефойда. Ўйлайсан, ўйлайсан. "Абадиятга дахлим бор", — деб овунмоқчи бўласан. Лекин бировни алдаш мумкин, ўзингни алдай олмайсан. Ноилож елкангдаги юкка кўз ташлайсан: чап елкада нима бору, ўнг елкада нима? Ўзингча, ҳисоб-китоб қиласан. Тусмоллайсан. Ниманидир қўшмоқчи, ниманидир айирмоқчи бўласан. Аммо улгуролмайсан. Йўл ниҳоясига етиб бўлган. Юрагингни ўткир тиғли алам аёвсиз тимдалай бошлайди: нега туғилдингу, нега ўласан? Яна жавоб битта: ҳаёт қонуни. Аллоҳнинг иродаси.

Тўғри, Аллоҳга исён қилмоқ мўминнинг иши эмас. Бош эгасан. Шукрки, Аллоҳ бор. Шукрки, имон бор. Йўқса, бутун инсоният телба бўлиб қолармиди?..

Ситора ШАМСИДДИН қизи

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@mail.ru

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди —

® — тижорат белгиси.

Адади: 9752 Буюртма — Г-726 1 2 3 5